

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№5/2022(164) 1995 йилдан чиқа бошлаган

№5/2022

## БЮЛЛЕТЕНЬ

## Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУХАРРИР:**

Шодикул ҲАМРОЕВ

### **ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Бахтиёр ИСЛАМОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Азиз АБИДОВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил  
17 декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколоти берилган.

Босишга 21.09.2022 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 3640 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

2. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
6. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**
22. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
25. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**
36. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
39. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти**
49. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*
51. **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти**

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О И

2022 йил 5 сентябрь

№ РС-46-22

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан маърузани тинглаб, қўйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармонида ишларни кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш вазифаси белгиланган бўлиб, бу суд органлари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Судлов ҳайъатига 2022 йилнинг биринчи ярмида жами 8 984 (7 375) та (апелляция, кассация ва такроран кассация

тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган.

Шикоят (ариза)ларнинг 7 512 (5 422) таси ёки 83,6 (87,4) фоизи ўрганиб чиқилган, шундан 3 866 (4 155) таси ёки 51,5 (76,6) фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 2 770 (1 063) таси ёки 36,9 (19,6) фоизини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 876 (204) таси ёки 11,7 (3,8) фоизи қайтарилган, 1 472 (1 953) таси ёки 16,4 (12,6) фоизи ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Судлов ҳайъати томонидан биринчи, апелляция, кассация ва такроран кассация инстанцияси судига 3 484 (3 140) та жиноят иши, шундан 2 таси биринчи инстанцияда, 205 таси апелляция инстанциясида, 3 172 таси кассация инстанциясида кўрилган бўлса, 105 таси такроран кассация инстанцияси судига кўриб тамомланган.

Мазкур кўрсаткичлар судлар фаолиятида "Бир суд - бир инстанция" тамойили асосида иш юриши тартиби жорий этилгандан сўнг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилиши ортганлиги (2020 йилда 662 та бўлган бўлса, 2021 йилнинг биринчи ярмида 3 140 тани, ҳисобот даврида эса, 3 484 та ишни ташкил этган), шу жумладан, шикоят (ариза, мурожаат ҳамда протест)ларнинг жиноят иши ҳужжатлари асосида

синчковлик билан, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш кўрсаткичлари кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида судлов ҳайъатида кассация тартибига 3 441 нафар шахсга нисбатан 3 172 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 3 270 нафар шахсга нисбатан 3 005 таси вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларда кўриб чиқилган.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишларнинг 2 423 нафар (74,1 фоиз) шахсга нисбатани ўзгаришсиз қолдирилган, 18 нафар (0,6 фоиз) шахсга нисбатани бекор қилинган, 535 нафар (16,4 фоиз) шахсга нисбатани бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судига кўриш учун юборилган, 275 нафар (8,4 фоиз) шахсга нисбатани бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 13 нафар (0,4 фоиз) шахсга нисбатани қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 4 нафар (0,1 фоиз) шахсга нисбатани қонунга мувофиқлаштирилиб, бекор қилинган, 1 нафар шахсга нисбатани бўйича моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган.

Судлов ҳайъатида ишни такроран кассация тартибига кўриб чиқилиши юзасидан 105 та, шу жумладан, Олий суд томонидан 89 та, Бош прокуратура томонидан 16 та протест киритилган.

Мазкур протестлар асосида жами 119 нафар шахсга нисбатан 105 та жиноят иши такроран кассация тартибига кўриб чиқилган бўлиб, 69 нафар шахсга нисбатан 64 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 41 нафар шахсга нисбатан 35 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 8 нафар шахсга нисбатан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 1 нафар шахсга нисбатан 1 та иш бўйича суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилиб ўзгартирилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўриш жараёнида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини

қўллашда:

Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖКнинг деб юритилади) 54-моддасида белгиланган суд ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаши, жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиниши;

Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖПКнинг деб юритилади) 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқилиши;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомига исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларидан маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПКнинг 509<sup>8</sup>-моддаси учинчи қисмида белгиланган кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибига янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига эътибор қаратилмаганлиги суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

Шунингдек, судлар томонидан Олий суд Пленумининг "Суд ҳукми тўғрисида" 2014 йил 23 майдаги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг

ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукми қонуний эмас, деб топилган асос бўлиши, 7-бандидаги ЖПКнинг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, ЖПКнинг 23-моддасига назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принциплари ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (ЖПКнинг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топилганда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилинмасдан, тарафларнинг судга келтирилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги, жиноятни малакалашда нотўғри хулосага

келинганлиги ҳам кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорларини ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

Таъкидлаш лозимки, судьялар оғил судловни амалга оширишда ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилиши, могодий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилиши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилиниши, қонун устуворлиги, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятларнинг олди олиниши, айб учун жазонинг муқаррарлиги, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Кассация инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорида судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар таҳлил қилинганлиги, ундаги таҳлиллар судьялар томонидан ўрганилиши ва ундан амалиётда тўғри фойдаланилиши келгусида суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, суд амалиёти обзори жойларда судьялар иштирокида ўрганиш ва ундан амалиётда фойдаланишга кенгроқ эътибор қаратиш лозим.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Кучадолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш. Ҳамроев),

"Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва

оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ах-

боротномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журналлари ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

ушбу суд амалиёти обзори ва аввалги йиллардаги суд амалиёти обзорларини китобча шаклида чоп этиб, вилоятлар, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг ҳар бир

судьясига реестр орқали етказилишини ҳамда суд амалиёти обзори ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар кўрилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил сентябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022**

**йил 1 октябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**Б. ИСЛАМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизими-ни янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"-ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг биринчи ярмида жами 8 984 (7 375) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартиби-

да) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган, уларнинг 7 512 (5 422) таси ёки 83,6 (87,4) фоизи ўрганиб чиқилган, шундан 3 866 (4 155) таси ёки 51,5 (76,6) фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 2 770 (1 063) таси ёки 36,9 (19,6) фоизини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 876 (204) таси ёки 11,7 (3,8) фоизи қайтарилган, 1 472 (1 953) таси ёки 16,4 (12,6) фоизи ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Ҳисобот даврида Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида 3 441 нафар шахсга нисбатан 3 172 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 3 270 нафар шахсга нисбатан 3 005 таси вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларда кўриб чиқилган.

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишларнинг 2 423 нафар (74,1 фоиз) шахсга нисбатани ўзгаришсиз қолдирилган, 18 нафар (0,6 фоиз) шахсга нисбатани бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 535 нафар (16,4 фоиз) шахсга нисбатани бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 275 нафар (8,4 фоиз)

шахсга нисбатани бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 13 нафар (0,4 фоиз) шахсга нисбатани қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 4 нафар (0,1 фоиз) шахсга нисбатани қонунга мувофиқлаштирилиб, бекор қилинган, 1 нафар шахсга нисбатани моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖКнинг деб юритилади) 54-моддасида белгиланган суд ЖКнинг Махсус қисми жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаши, жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиниши;

Жиноят-процессуал кодексининг (бундай буён матнда ЖПКнинг деб юритилади) 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши

лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПКнинг 509<sup>8</sup>-моддаси учинчи қисмида белгиланган кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибидан янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

Ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа

ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

Шунингдек, судлар томонидан Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра, чекланиш, ҳукмни қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги Жиноят-про-

цессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойи қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилинмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларининг тўлиқ текширилмаганлиги, жиноятни малакашда нотўғри хулосага келинганлиги ҳам кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорларини ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

## **I. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ**

### **1. Қарорнинг судья томонидан имзоланмаслиги жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланиб, бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2021 йил 15 июндаги ҳукмига кўра, Т.Х. ЖКнинг 167-моддаси иккинчи қисми "а", "г" бандлари ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган, унга ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан 2 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида

ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 110 баравари миқдорида 24 530 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 6 сентябрдаги ажрим билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, Т.Х.га нисбатан ЖКнинг 45, 57-моддалари

қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баравари миқдорида 12 265 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т.Х. 2020 йил 22 июлга қадар Фурқат туманидаги 36-сонли давлат мактабгача таълим муассасаси мудираси лавозимида ишлаб келган, у иш сўраб мурожаат қилган фуқаро З.А.нинг ҳужжатларини олиб қолиб, унга иш ўрни йўқлигини маълум қилган. Шундан сўнг Т.Х. мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, З.А.нинг тақдим қилган ҳужжатларига асосан уни 2016 йил январь ойидан ташкилотга 0,75 штат бирлигида тарбиячи вазифасига ишга қабул қилинганлиги тўғрисида сохта буйруқ расмийлаштирган. З.А. амалда иш-ламаса-да, 2020 йил октябрь ойига қадар сохта иш ҳақи табелларини тўлдириб, тўловга тақдим қилган ҳамда жами 31 910 805 сўм бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари Т.Х. жиноий ҳаракатини яшириш мақсадида, З.А.нинг номидан ўз хоҳишига кўра, ишдан бўшаш тўғрисида сохта ариза ёзиб, мазкур аризага асосан уни 2020 йил 1 ноябрдан ишдан бўшати-гани тўғрисидаги 83-сонли буйруқни рас-мийлаштирган.

Т.Х. мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, отаси Т.О.ни 2017 йил октябрь ойидан 2018 йил сентябрь ойига қадар ташкилотга мусиқа раҳбари сифатида ишга қабул қилган ва амалда ишламаса-да, Т.О.га сохта иш ҳақи табелларини тўлдириб, жами 6 858 796 сўм бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, Т.Х. жиноий ҳаракатини яшириш мақсадида, Т.О.нинг номидан ўз хоҳишига кўра, ишдан бўшаш тўғрисида сохта ариза ёзган ва ушбу аризага асосан уни 2018 йил 8 октябрдан ишдан бўшагани тўғрисидаги 9/7-сонли буйруқни расмийлаштирган.

Худди шундай, Т.Х. мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ташкилотда амалда ишламаган жами 15 нафар шахсни 2017 йилнинг октябрь ойидан 2020 йилнинг январь охи оралигида мусиқа раҳбари, тар-

биячи, ёрдамчи тарбиячи, супурувчи ва ошпаз каби вазифаларга ишга олингани тўғрисида сохта буйруқлар расмийлаштириб, жами 69 153 526 сўм бюджет маблағини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

Шу билан бирга, Т.Х. мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда, 2018 йилнинг июль ойида ташкилотда ишловчи беш нафар ходимга, сентябрь ойида ўн нафар ходимга, 2019 йил август ойида ўн уч нафар, октябрь ойида йигирма уч нафар ходимга моддий рағбатлантириш тўғрисидаги сохта буйруқларни расмийлаштириб, жами 11 519 612 сўм миқдоридаги бюджет маблағини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган.

ЖПКнинг 472-моддасида, ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг якка ўзи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, судьяларнинг ҳаммаси имзолаши, 473-моддасида суд ҳукми имзолаганидан сўнг суд мажлиси залига қайтиб чиқиши ва раислик қилувчи ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилиши назарда тутилган.

Бироқ жиноят иши ҳужжатлари ўрганиб чиқилганда, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 6 сентябрдаги ажрими судья Ф.С. томонидан имзоланмаганлиги аниқланган.

Апелляция инстанцияси суди қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киришда ва ушбу инстанция судининг қарори эълон қилинишида судья Ф.С. бевосита иштирок этган бўлса-да, ажрим имзоланганидан сўнг суд мажлиси залига қайтиб чиқиб, ажримнинг қарор қисми эълон қилиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабига риоя қилинмасдан жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишига йўл қўйилган.

Бундай ҳолатда Т.Х.га оид иш бўйича чиқарилган апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

ЖПКнинг 509<sup>о</sup>-моддаси 1-қисмида касация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижалари бўйича апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ишни апелляция тартибида янгидан кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида ажрим қабул



қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 26 апрелдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Т.Х.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан

**2. Ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2022 йил 26 январдаги ҳукмига кўра, Т.Ф. ЖКнинг 169-моддаси биринчи қисми, 227-моддаси иккинчи қисми "а" банди, 267-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 10 мартдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, Т.Ф.нинг айбидан ЖКнинг 227-моддаси иккинчи қисми "а" банди чиқарилган ҳамда ЖКнинг 169-моддаси биринчи қисми ва 267-моддаси биринчи қисми билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 3 йил 15 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т.Ф. 2021 йил октябрь ойининг 29 куни соат тахминан 18:30 ларда Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, 12-даҳа, 4<sup>а</sup>-уй олдидаги йўлак чегида турган фуқаро М.М.га тегишли "Нексия 3" русумли, 01 S 053 EB давлат рақам белгилли автомашинанинг эшиклари очик ҳолда қолдирилгани ва "Старт-Стоп" режимда юришидан фойдаланиб, олиб қочган.

Шундан сўнг автомашина салонидан 1 500 000 сўмлик "Неолайн 7500" русумли антирадар ва 1 000 000 сўмлик видео кузатув мосламасини равишда талон-торож қилган, шунингдек, М.М.нинг муҳим шахсий ҳужжати ҳисобланган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва автомашинанинг 01 S053EB давлат рақам белгисини ғайриқонуний равишда эгаллаб, воқеа жойидан яширин-

апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2022 йил 21 июнда Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўрилиб, якуний қарор қабул қилинган.

ган.

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори ўн биринчи бандида, иш бўйича ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахслар тоифаси ЖПКнинг 49-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланганлиги, улар жумласига, хусусан, адвокатлар ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошларидан бири ёки қонуний вакиллари кириши, бунда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндоши ёки қонуний вакили иш бўйича ҳимоячи сифатида фақат адвокат билан бирга қатнашишига йўл қўйилишини ҳақида тушунтириш берилган.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2022 йил 17 январдаги ажримига кўра, Т.Ф.нинг адвокати ҳамда онаси Т.Л.нинг илтимосига кўра, Т.Л.га ҳимоячи сифатида қатнашишга рухсат берилган ва унга ЖПКнинг 53-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган.

Қайд этилган Пленум қарорининг йигирма еттинчи бандида, суд ишнинг апелляция, кассация инстанциясида кўрилиши куни тўғрисида Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддаси талабига кўра, маҳкумнинг ҳимоячисини ва қонуний вакилини хабардор қилиши шартлиги, ушбу талабга риоя этмаслик ишни кўриш бошқа кунга қолдирилишига сабаб бўлиши, апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан ишнинг ҳимоячи иштирокисиз кўрилиши, агар у суд мажлиси вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ва бу унинг суд мажлисида иштирок этиш имкониятидан маҳрум қил-

ган бўлса, бу ҳолат жиноят-процессуал қонун талабларининг жиддий бузилиши деб ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Судлар томонидан ЖПК ва Олий суд Пленумининг ҳимоячининг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ қоидаларига риоя қилинмасдан, процессуал қонун талаблари жиддий бузилган.

Хусусан, биринчи инстанция судида ҳимоячи Т.Л.га музокара сўзи берилмаган, суд ҳукмида унинг ҳимоячи сифатида иштирок этганлиги қайд этилмаган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан эса, гарчи Т.Л. адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида эътироф этил-

### **3. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига номувофиқ тайинланган жазо адолатсиз ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2021 йил 6 апрелдаги ҳукмига кўра, А.А.га ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 баравари миқдорида 17 840 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 22 июндаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, А.А.га ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси тартибида тайинланган 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо чиқарилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 баравари миқдорида 17 840 000 сўм жарима жазоси қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.А. 2018 йил 9 июль ойидан Марҳамат туман Халқ таълими бўлими мудир вазифасида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, халқ таълими бўлимида бюджет маблағларини мақсадли сарфланишини назорат қилиши лозим бўлса-да, ўз вазифасини лозим даражада бажармагани, халқ таълими бўлими марказий ҳисобхонаси бош ҳисобчиси М.Д. ҳамда ўринбосари М.Ф.-

ган бўлса-да, суд мажлисида унинг иштироки таъминламасдан, Т.Ф.нинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини бузилган.

Бундай ҳолатда, Т.Ф.га оид иш бўйича чиқарилган суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 8 июндаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Т.Ф.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

Мазкур иш Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўриб чиқилмоқда.

лар томонидан 2018 йил 9 июлдан 2020 йилга қадар УзАСБО электрон дастурига туман ХТБга қарашли 32-сонли умумтаълим мактабининг ходимларига иш ҳақи ҳисоблашда ҳақиқатда ишламаган ходимларга қўшимча иш ҳақи ҳисобланган, натижада жами 615 347 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги бюджет маблағини талон-торож қилинишига йўл қўйилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 45-бандида, Жиноят кодексининг 45-моддасида, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевоқиф боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолатда, суд, жиноят хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида"ги қарори 3-бандида, амалдаги жиноят қонунларига биноан, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланиши;

30-бандида, ушбу тоифадаги ишларни кўраётганда судлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ёки бошқа қонунбузар-

ликларни содир этилишига имкон берган барча сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаши ва уларга лозим даражада муносабат билдириши кераклиги кўрсатилган.

Бироқ апелляция инстанцияси А.А.нинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиши оқибатида, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилгани, ушбу зарар суммаси тўлиқ қопланмаганлиги ҳолатларига етарлича эътибор қаратмасдан вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман ҳокимлиги томонидан қўшимча жазони бекор қилиш юзасидан киритилган илтимосномага биноан, ЖКнинг 45-моддаси тартибида тайинланган қўшимча жазони суд ҳукмидан чиқариб, барвақт хулосага келган.

Бундай ҳолатда иш бўйича чиқарилган апелляция инстанциясининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

**4. Судланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари текшириб чиқилмаганлиги суд терговининг тўлиқ ўтказилмаганлиги сифатида баҳоланиб, суд қарорининг бекор бўлишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2021 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра, Р.И.га ЖКнинг 168-моддаси учинчи қисми "а" банди (эски таҳрирдаги) билан 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Р.И.дан А.М. фойдасига 190 000 АҚШ долларининг ҳукм эълон қилинган кундаги сўмга нисбатан қийматида, яъни 2 034 140 000 сўм ундириш белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 9 декабрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, Р.И.ни биринчи эпизод (40 000 АҚШ доллари) бўйича ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми "а" банди (эски таҳрирдаги) билан айблаш қисми ЖКнинг 64-моддаси биринчи қисми "б" банди ва ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми биринчи бандига асосан тугатилган.

Р.И.нинг хатти-ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси учинчи қисми "а" бандидан (эски таҳрирдаги) ЖКнинг 167-моддаси учинчи қисми "а" бандига қайта квалификация қилиниб, унга шу модда билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш

Олий суд Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 24-бандида кассация инстанцияси суди фақат прокурор протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятига кўра, апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажримини маҳкумга тайинланган жазо енгиллиги ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаш зарурлиги туфайли бекор қилиб, ишни апелляция тартибида янгидан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақлилиги назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 21 июндаги ажрими билан апелляция инстанциясининг А.А.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

жазоси тайинланган.

Р.И.дан жабрланувчи А.М.нинг фойдасига 150 000 АҚШ долларининг ажрим эълон қилинган кундаги сўмга нисбатан қийматида, яъни 1 617 336 000 сўм ундириш белгиланган.

Манфаатдор шахсларга 40 000 АҚШ доллари ҳамда бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.И. ўзига Яккасарой туман ҳокимияти томонидан хизмат хонадони сифатида берилган Яккасарой тумани, Муҳандислар кўчаси, 5-уй, 4-хонадонни А.М.га 40 000 АҚШ долларига сотишини ва исталган вақтда унинг номига расмийлаштириб беришини ваъда қилганиб, 2008 йил июнь ойи ўрталарида Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза маҳалласи, Термиз кўчаси, 82-уйда А.М.дан 40 000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган. Шундан сўнг А.М.га берган ваъдасини бажармай, Яккасарой тумани, Муҳандислар кўчаси, 5-уй, 4-хонадонни 2012 йил

2 февраль куни бошқа шахсга сотиб юборган.

Бундан ташқари Р.И. такроран, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга кириштириш мақсадида, А.М.нинг ишончига кириб, унга Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сомонбозор 3-тор кўчаси, 22-уйни 150 000 АҚШ доллари эвазига олиб беришни ваъда қилган, фақат ушбу хонадонни дастлаб ўзининг турмуш ўртоғи И.А.нинг номига расмийлаштиришни ва кейинчалик исталган вақтда А.М.нинг номига расмийлаштириб беришни қайд этиб, А.М.нинг 150 000 АҚШ долларини қўлга киритган. Шундан сўнг хонадонни сотиб олиб, турмуш ўртоғи И.А.нинг номига расмийлаштирган ҳамда 2014 йил 13 апрель куни ушбу хонадонни А.А.га 80 000 АҚШ долларига сотиб юборган.

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори ўн бешинчи банди иккинчи хатбошида агар биринчи инстанция суди томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслигига ёки бир ёқламалигига ёхуд процессуал бузилишларга йўл қўйилган бўлса, апелляция инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказиш йўли билан бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш, процессуал бузилишларни бартараф этиш чораларини кўриши, шу мақсадда апелляция инстанцияси суди иш ҳолатлари тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқилишини таъминлаш учун за-

рур бўлган, ЖПКнинг 497<sup>25</sup>-моддаси учинчи қисми 1-7-бандларида назарда тутилган ҳаракатларни бажаришга ҳақлилиги назарда тутилган.

Бироқ суд томонидан юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қароридаги тушунтиришларга риоя қилмаган.

Маълумки, процессуал қонун талабларига кўра, апелляция инстанцияси судида шикоятда келтирилган ҳар бир важ муҳокама этилиб, унинг асослилиги ёки асоссизлиги ҳуқуқий баҳоланиши лозим.

Р.И. ўзининг апелляция шикоятида жабрланувчи А.М.га 40 000 АҚШ долларини турмуш ўртоғи А.Н. билан биргаликда берганлигини билдирган бўлса-да, дастлабки тергов ва судда А.Н. сўроқ қилинмаганлиги, ҳолатга аниқлик кириштириш учун жабрланувчи ва гувоҳлар ўртасида юзлаштириш ўтказилмаганлиги, иш ҳолатларини аниқлаштирувчи далиллар текширилмаганлигини билдирган.

Апелляция инстанцияси маҳкум Р.И.нинг шикоятида келтирилган важларни етарлича муҳокама қилмасдан, уларни текшириш ва ҳуқуқий баҳо бериш чораларини кўрмасдан, унинг айби жиноят ишида тўпланган далиллар билан исботланганлигини кўрсатиш билан чегараланган.

Бундан ташқари Р.И. шикоятида унга нисбатан амнистия актлари қўлланилмаганлигини билдирган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди унинг бу вазини ҳам муҳокама қилмаган ва амнистия актини қўлламаслик сабабларини кўрсатиб ўтмаган.

Натижада, Р.И.нинг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирилган важлари судда текширилиши ва баҳоланиши лозимлиги билан боғлиқ процессуал ҳуқуқлари чекланган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 7 июндаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Р.И.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

## **5. Кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.**

Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2021 йил 29 мартдаги ҳукмига кўра, Э.П.га ЖКнинг 198-моддаси 1-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суд ҳукмининг мулкий ундирувга оид қисмида Э.П.дан фуқаровий даъвогар "Далварзин" давлат ўрмон-ов хўжалиги фойдасига 502 909 600 сўм зарар ундириш белгиланган.

Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 24 июлдаги ҳукмига кўра, суд ҳукми бекор қилиниб, Э.П. ЖКнинг 198-моддаси 1-қисми билан айбсиз деб топилган ва ЖПКнинг 83-моддаси 3-бандига асосан реабилитация қилиниб, оқланган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 7 октябрдаги ажрими билан Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 24 июлдаги ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 24 декабрдаги ҳукми билан суд ҳукми бекор қилиниб, Э.П. ЖКнинг 198-моддаси 1-қисми билан айбсиз деб топилган ва ЖПКнинг 83-моддаси 3-бандига асосан реабилитация қилиниб, оқланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э.П. 2020 йилнинг 8 февраль куни тахминан соат 10:00 ларда ўзи раҳбарлик қилиб келаётган Бекобод туманидаги "Жуманазар Қўшбоқов" фермер хўжалигининг шоли экинидан бўшаган ер майдонини тозалаш мақсадида ёқиб юборган. Бунинг оқибатида ёнгин "Далварзин" давлат ўрмон-ов хўжалиги ҳудудига чегарадош фермер хўжалиги ер майдонлари орқали ўтиб, ўрмон фонди ери ҳисобланган жами 455 гектар майдондаги 2 100 туп дов-дарахтларни, шундан 307 туп Сўғдиёна шумтоли, 37 туп акация, 126 туп қайрағоч, 183 туп гледичия, 107 туп жийда ва 1 261 туп

туранги навли дов-дарахтларни нобуд қилган, оқибатда давлат манфаатларига 502 909 600 сўмлик жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

ЖПКнинг 497<sup>19</sup>-моддасида, суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиши;

ЖПКнинг 497<sup>20</sup>-моддасида ишни янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборган кассация инстанцияси судининг ажримида кўрсатилган ҳолатлар текширилмаган бўлса, суд тергови тўлиқ эмас ва бир ёқлама деб топилиши белгиланган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 7 октябрдаги ажримида кўрсатилган ҳолатлар тўлиқ текширилмасдан, қарама-қаршиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмаган.

ЖПКнинг 508<sup>8</sup>-моддасида кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги назарда тутилган. Жумладан, кассация инстанциясининг ажримида ишни янгидан апелляция тартибида кўришда:

"Комилов Бахтиёр", "Иброҳимжон ота тараққиёти", "Бегза" фермер хўжаликлари, "Янгиҳаёт олтин кўл" балиқ хўжалиги, "Қобилжон Алиматов", "Тошбой Жўраев", "Фарҳод Бойматов", "Муҳтарама Мунаввара" ва "Кабиржонов Рустам" фермер хўжаликлари ҳудудларида ёнгин содир бўлган ёки бўлмаган ҳолатларини, ёнгинга гувоҳ бўлган шахсларни аниқлаш;

Э.П.нинг кўрсатмасидан келиб чиқиб, унга тегишли ер майдонига ёнгин қўшни ҳудуддан кириб келгани ҳақидаги важи бўйича ёнгин хавфсизлиги бўйича жаримага тортилган шахсларни сўроқ қилиш;

Судга оид комплекс экспертизасининг 2020 йил 24 мартдаги ёнгиннинг ўчоғи айнан "Янгиҳаёт" фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Жуманазар Қўшбоқов" фермер хўжалигининг шарқий қисмидаги очиқ майдонида бўлганлиги

ҳақидаги хулосаси қандай асосларга таянган ҳолда берилганлигини экспертнинг сўроқ қилиш орқали аниқлаштириш;

Э.П.нинг "Тошбой Жўраев" фермер хўжалиги ишчиси Ю.Р. ва "Қозонқўл агрофайз" фермер хўжалиги ишчиси Б.Ф.лар ўзларига қарашли ер майдонини ёққанлиги учун МЖТКнинг 88-моддаси 3-қисми билан жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги кўрсатмасига тегишли шахсларни сўроқ қилиш орқали ойдинлик киритиш лозимлиги назарда тутилган бўлса-да, мазкур ҳолатларни текшириш чоралари кўрилмаган.

Олий суд Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори йигирма иккинчи бандида агар биринчи, апелляция инстанцияси судлари томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслигига ёки бир ёқламалигига ёхуд процессуал бузилиш-

ларга йўл қўйилганлиги аниқланса ва бу ҳукм, ажримнинг қонунийлигига таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган бўлса, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси суди ҳукми, ажримни бекор қилиши ва ишни апелляция тартибида янгидан кўриб чиқиш учун юбориши назарда тутилган.

Қайд этилганларнинг барчаси суд муҳокамасининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқлама олиб борилганлигини англатиб, ҳукмни бекор қилиш учун асос бўлади.

Бундай ҳолатда апелляция инстанциясининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 20 июндаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Э.П.га нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

#### **6. Ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик барча ҳолатларнинг аниқланмаганлиги суд қарорининг бекор бўлишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг 2021 йил 4 ноябрдаги қарорига кўра, П.А.га МЖТКнинг 128<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми, 131-моддаси 1-қисми билан, МЖТКнинг 34-моддаси тартибида 1 йил 6 ой барча транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридан, 6 750 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 3 мартдаги қарори билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, П.А. 2021 йил 29 сентябрь куни бошқарувидаги "Nexia 3" русумли, 75 U 371 КА давлат белгили автомашинада Музработ туман ҳудудида телефондан фойдаланиш қоида-сини бузган ҳолда ҳаракатланиб келаётган вақтида ЙҲХХ ходими томонидан тўхтатилган, текшириш натижасида автомашинани маст ҳолда бошқаргани аниқланган ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

МЖТКнинг 307-моддасига кўра, суд маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкый зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Бош прокуратуранинг 2008 йи 20 ноябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган **"Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 27-бандида, тиббий текширувдан ўтказилган шахсга, унинг талабига кўра, тиббий текширув баённомаси нусхаси (қоғоз ёки электрон шаклда) берилиши шартлиги, 33-бандида текширилувчида хулосага нисбатан эътирозлар мавжуд бўлган ҳолларда у бошқа тиббиёт му-

ассасасида қайта тиббий текширувдан ўтказилишини талаб қилишга ҳақли экани, бундай қайта тиббий текширувдан ўтказиш мастлик аломатлари аниқланган ёки йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтдан эътиборан икки соат ичида бошқа яқин масофада жойлашган тиббиёт муассасасида амалга оширилиши лозимлиги, ушбу қайта текширувга текширилувчи ДЙХХ ходими билан бирга етказилиши кўрсатилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди ЙПХХ ходими ушбу қонун ва қўшма қарор талабларига риоя этганлигига ойдинлик киритмаган.

Хусусан, П.А. дастлабки тушунтириш хати ва биринчи ва апелляция инстанцияси суди мажлисида ЙПХХ ходими билан тортишиб қолгани сабабли, ЙПХХ ходими унга нисбатан нотўғри баённома расмийлаштиргани, аввалига алкотест мосламаси орқали текширишгани, тиббий текширувда ҳам уни мастлиги аниқланмагани, бироқ уни мастлиги ҳақида 925-сонли баённома нотўғри, ваколлати бўлмаган тиббиёт ходими томонидан тузилганлигини баён қилган.

Апелляция инстанцияси суди П.А.нинг келтирган важларини, хусусан, ЙПХХ ходимининг ноқонуний ҳаракат содир этгани юзасидан унинг боди- камерасига олинган тасвирни талаб қилиб олиб, суд мажлисида ўрганиш чорасини кўрмаган.

Ваҳоланки, Олий суднинг 2022 йил 25 январдаги ажримида ушбу ҳолатларга ойдинлик киритиш сўралган.

Бундан ташқари маъмурий баённомадаги имзо ва ёзувлар П.А. томонидан

амалга оширилганини аниқлаш юзасидан экспертиза хулосасини олиш;

П.А.нинг мастлиги ҳақидаги Шеробод туман тиббиёт бирлашмаси баённомасига Музрабод туман тиббиёт бирлашмасининг муҳри ким томонидан ва нима мақсадда қўйилганини аниқлаш юзасидан ушбу ҳолатга алоқадор шахсларни сўроқ қилиш чораси кўрилмаган.

Шунингдек, П.А.ни тиббий кўрикдан ўтказган тиббиёт ходими лор-врач Ф.Р. сўроқ қилиниб, у ички буйруқ асосида мастлик ҳолатини текширишга ваколлати борлиги ҳақида кўрсатма берган бўлса-да, юқори турувчи кадрлар иши бўйича мутахассислар сўралмаган.

Бундан ташқари П.А.нинг пуллик хизмат асосида РСТЭ илмий-амалий маркази Сурхондарё филиалининг 2021 йил 30 сентябрдаги П.А.нинг "қон сийдик намуналарида этил спирти мавжудлиги аниқланмагани" ҳақидаги маълумотномасини етарли даражада ўрганмай, ушбу маълумотномани берган экспертларни судда сўроқ қилмай туриб, мақбул далил деб топмай барвақт хулосага келинган.

Бундай ҳолатда Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг қарорини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 20 апрелдаги ажрими билан П.А.га нисбатан чиқарилган Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 3 мартдаги қарори бекор қилинган ва иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

## II. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

### **1. Жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинмаганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2019 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, М.А.га ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми билан 16 йил, 25, 97-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан 15 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон ви-

лоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 20 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.А. содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун тайинланган жаримани тўламагани сабабли 2018 йил 3 декабрда Андижон вилоят ИИБ ЙХХГ ходимлари томонидан бошқарувидаги "Nexia" русумли автомаши-

на Хўжаобод туманидаги жарима майдонига мажбурий тартибда олиб кирилган. Шу куни М.А. соат тахминан 16:45 ларда белгиланган жаримани тўлаб, автомашинасини олиб чиқиб кетиш учун жарима майдонига келган. Аммо жарима майдонига норасмий фаолият юритаётган қўриқловчи ака-ука Қ.Ф. ва Х.П.лар билан ўзаро жанжаллашиб қолган.

Шундан сўнг Х.П. ва Қ.Ф.ларни қасддан ўлдириш мақсадида, автомашинаси салонидаги пичоқ билан қуролланиб, дастлаб Х.П.га ҳужум қилиб, унга соғлигини бузилишига олиб келган енгил даражадаги тан жароҳати етказган. Х.П. олган тан жароҳати туфайли воқеа жойидан қочиб кетгани натижасида М.А. қасддан ўлдиришга қаратилган жиноий ҳаракатини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказа олмаган.

М.А. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ягона қасд билан қамраб олинган жиноий ниятини амалга ошириш мақсадида Қ.Ф.га пичоқ билан ҳужум қилиб, уни кўкрак қисмига бир марта пичоқ санчган. Оқибатда Қ.Ф. воқеа жойида вафот этган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори учинчи бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керакли-

ги назарда тутилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, М.А.нинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган ва унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми билан жазо тайинлашда хатоликка йўл қўйган.

Хусусан, ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми санкциясида айбдорларга 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан қонун талабига риоя қилинмай, М.А.га ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми билан 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳукми ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўрмаган.

ЖПКнинг 509<sup>9</sup>-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳукми ва ажримини ўзгартиришга ҳақли.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 20 апрелдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг М.А.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, М.А.га ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми билан 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда ЖКнинг 25, 97-моддаси 2-қисми "а" банди билан тайинланган жазо ўзгартиришсиз қолдирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

## **2. Қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан шахсга жазони ўташ колонияси турининг нотўғри белгиланганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2021 йил 11 ноябрдаги ҳукмига кўра, Х.Д. ЖКнинг 164-моддаси учинчи қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилган.

Унга ушбу моддага асосан 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 11 йил озод-

ликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 1 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида тайинланган жазо 10 йил 8 ойга келтирилган.



Суднинг ҳукмига кўра, И.А. мўмай да-ромад орттириш ва осон пул топиш мақсадида А.Ф., Б.Ш., Б.Б., Р.Д., Ж.И. ва Х.Д.лар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктирган ва юзларига ниқоб, қўлларига қўлқоп кийиб 2021 йил 20 май кунидан 21 май кунига ўтар кечаси соат тахминан 01:15 ларда ўзларига олдиндан таниш бўлган Чиноз тумани, Хумо маҳалласи, Алишер Навоий кўчаси, рақамсиз уйда яшовчи С.А.нинг хонадонига ғайриқонуний равишда бостириб киришган.

Шундан сўнг хонадонда бўлган С.А. ва унинг турмуш ўртоғи С.З.га ҳужум қилиб, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, пул беришини талаб қилишган. Шу пайтда С.А. ва унинг турмуш ўртоғи С.З.лар бақир-чақир қилиб қўшнилари ёрдамга чақиритилганлиги сабабли, босқинчилар хонадондан ҳеч қандай қимматбаҳо нарса ва буюмларни олмасдан номаълум томонга яширишган.

Суд тиббий экспертизасининг 2021 йил 25 майдаги 215-сонли хулосасида, С.З.га "соғлиқни қисқа муддатга бузилишига сабабчи бўлмаган енгил" тан жароҳати етказилганлиги қайд этилган.

Суд тиббий экспертизасининг 2021 йил 25 майдаги 216-сонли хулосасида, С.А.га "соғлиқни қисқа муддатга бузилишига сабабчи бўлмаган енгил" тан жароҳати етказилганлиги қайд этилган.

Х.Д.нинг шахсига оид ҳужжатларга кўра, у муқаддам жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2018 йил 17 сентябрдаги ҳукми билан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилган ва унга нисбатан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Х.Д. суднинг ҳукми билан тайинланган жазони ўтамаганлиги сабабли, ЖКнинг 46-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2019 йил 24 сентябрдаги ажримига кўра, жазонинг 1 йил 11 ойи озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган. Жиноят ишлари бўйича Яшнаобод туман судининг 2020 йил 31 мартдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан жазонинг ўталмаган 1 йил 5 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жа-

зосига алмаштирилган. Жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2021 йил 26 апрелдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 11 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

ЖКнинг 50-моддаси еттинчи қисми "в" бандида илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганлар жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Биринчи инстанция суди судланган Х.Д. муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир этганлигини эътибордан четда қолдириб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий тартибли колонияларда ўташини белгилаб хатоликка йўл қўйган.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди ҳам биринчи инстанция судининг хатосини бартараф этмасдан ҳукмининг шу қисмини ўзгаритмасдан қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

ЖПКнинг 509<sup>9</sup>-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳукмини ва ажримини ўзгартиришга ҳақли.

Олий суд Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги "Жиноят ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 37-сонли қарори йигирма олтинчи бандида, кассация инстанцияси суди биринчи, апелляция инстанцияси судлари ҳукмини ўзгартирганда маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан, қаттиқроқ турини белгилашга ҳақлилиги назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 27 июндаги ажрими билан биринчи инстанция судининг Х.Д.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, Х.Д.га нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

**3. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан шахсга жазони ўташ колонияси турининг нотўғри белгиланганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2022 йил 7 январдаги ҳукмига кўра, И.В. ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилган.

Унга нисбатан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 1 йил 11 ой 12 кун барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 15 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Навоий вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 28 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи И.В. ўзаро оилавий келишмовчилик негизида Хатирчи тумани "Қорача" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи опаси И.Н.нинг турмуш ўртоғи С.О.ни қасддан ўлдиришни режалаштирган.

Жиноий режасини амалга ошириш мақсадида, 2021 йил 24 июль куни соат 23.00 ларда поччаси О.С. билан бирга Хатирчи тумани, "Чувак" қишлоғида спиртли ичимлик истеъмол қилишган. С.О.нинг оғир даражада мастлиги сабабли ўзини ҳимоя қилиш ва ўз ҳаракатларини бошқаришга қодир бўлмаганлигидан фойдаланиб, ожиз аҳволдалигини англаган ҳолда унинг юзи ва танасининг турли соҳаларига урган.

Шундан сўнг И.В. давомли равишда О.С.нинг турли соҳаларига уриб, унинг ўлимига олиб келган кўкрак қафаси ва қорин соҳаларининг ёпиқ жароҳати, икки томонлама 2-11-қовурғаларнинг барча чизиклари бўйлаб майдаланиб синиши, ўпка ва жигар тўқималарининг йиртилиши каби ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган ва қасддан ўлдирган.

Шундан сўнг у С.О.нинг вафот этганлигига ишонч ҳосил қилиб, жиноят изларини яшириш мақсадида, унинг жасадини воқеа жойидан оқиб ўтувчи зовур ичига ташлаб юборган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун

жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори ўттизинчи бандида муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамаган шахсга жазони ўташ колония турини белгилашда, фақат қайси жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлигини инобатга олиш лозимлиги назарда тутилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, И.В.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган ва ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўташини белгилаб, хатоликка йўл қўйган.

Хусусан, И.В.нинг шахсига оид ҳужжатларга кўра, у муқаддам жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2016 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 266-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилган ва унга нисбатан 3 йил муддатга барча турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Юқоричириқ тумани судининг 2018 йил 2 ноябрдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2019 йил 20 ноябрдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан 1 йил 11 ой 12 кун барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2019 йил 13 сентябрдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан 3 йил 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

ЖКнинг 50-моддаси еттинчи қисми "б" бандида, қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганлар жазони умумий тартибли

колонияларда;

мазкур модданинг еттинчи қисми "в" бандида, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганлар жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Бироқ биринчи инстанция суди И.В.нинг илгари қасддан содир этган жинояти учун эмас, балки ЖКнинг 266-моддасида кўрсатилган эҳтиётсизлик орқасида содир этган жиноят учун ҳукм қилинганлигини эътибордан четда қолдирган.

Бундай ҳолатда И.В. қасддан ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қили-

наётган шахс ҳисобланиб, ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми "б" бандига асосан жазони умумий тартибли колонияларда ўташини белгилаш лозим бўлади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди ҳам биринчи инстанция судининг мазкур хатосини тўғриламадан ҳукмнинг шу қисмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 23 майдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг И.В.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, И.В.га нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

#### **4. Қилмишни нотўғри квалификация қилиниши суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2021 йил 20 октябрдаги ҳукмига кўра, Д.Ф.га ЖКнинг 276-моддаси иккинчи қисми "а", "б" бандлари билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖК 60, 61-моддалари тартибида 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 27 июндаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2021 йил 13 август куни соат 20:00да Миробод тумани ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мунис кўчаси, 9-уй олдида шахсига аниқлик киритиш мақсадида Д.Ф. тўхтатилиб, ҳолислар иштирокида тинтув ўтказилган.

Тинтув жараёнида Д.Ф. муқаддам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жинояти учун судланиб, хавfli рецидивист бўлгани ҳолда, "М1-5" русумли телефон аппаратининг филофи орасида икки дона шаффоф полиэтилен пакетчаларда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламасдан, сақлаб келаётганлиги аниқланган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2021

йил 14 августдаги 2/694-сонли хулосасида, Д.Ф.дан олинган биринчи пакетчадаги модда опий деб аталиши ва унинг соф оғирлиги 0,36 граммлиги, иккинчи пакетчадаги модда "гашиш" деб аталиши ва унинг соф оғирлиги 0,33 граммлиги аниқланган.

Суд содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, Д.Ф.нинг илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўлгани ҳолда гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини содир этганликдаги айби ўзининг иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари нарсани олиш баённомаси, экспертиза хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келган ва унинг қилмишини ЖКнинг 276-моддаси иккинчи қисми "б" банди билан тўғри квалификация қилган.

Бироқ суд Д.Ф.нинг ҳаракатини кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш деб баҳолаб хатоликка йўл қўйган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекис-

тон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қароридан кўрсатилган ҳолатларга эътибор қаратмаган.

Ушбу қарорга кўра, "гашиш" гиёҳвандлик воситасининг 0,2-2,0 граммгача миқдори озгинадан кўпроқ миқдорни, 2,0 граммдан ортиғи кўп миқдорни, "опий" гиёҳвандлик воситасининг 0,2-2,0 граммгача миқдори озгинадан кўпроқ миқдорни, 2,0 граммдан ортиғи кўп миқдорни ташкил қилиши кўрсатилган.

Ҳатто Д.Ф.дан ҳужжатлаштириб олинган 0,36 грамм миқдордаги "опий" ва 0,33 грамм миқдордаги "гашиш" гиёҳвандлик воситаларининг қўшиб ҳисобланганда келиб чиқадиган жами 0,69 грамм ҳам кўп миқдорни ташкил қилмайди. Аммо суд Д.Ф.нинг ҳаракатини кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш деб баҳолаган.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш жараёнида ҳам мазкур ҳолатга эътибор

**5. Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олмасдан жазо тайинлаш суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг 2021 йил 2 ноябрдаги қарорига кўра, Х.Б.га МЖТКнинг 176<sup>3</sup>-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан, 2 700 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 24 апрелдаги қарори билан суд қарори ўзгартирилган.

Суднинг қарорига кўра, Х.Б. 2021 йил 7 сентябрь куни Ҳазорасп тумани, Э.Ғаязов кўчасида "ДАМАС" русумли, 90 F 516 AA давлат рақамли транспорт воситасини бошқариб, автомобиль транспортда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланганлиги Хоразм вилоят транспорт бошқармаси ва вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан аниқланган.

қаратилмаган.

Бундай ҳолатда иш бўйича чиқарилган суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмади.

ЖПКнинг 509<sup>9</sup>-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳукмини ва ажримини ўзгартиришга ҳақли.

Олий суд Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги "Жиноят ишларини кассация тартибда кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 37-сонли қарори йигирма олтинчи бандида, кассация инстанцияси суди биринчи, апелляция инстанцияси судлари ҳукмини ўзгартирганда ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини) ёхуд маҳкумнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқаришга ҳақлилиги назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 27 июндаги ажрими билан биринчи инстанция судининг Д.Ф.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, Д.Ф.нинг айбидан ЖКнинг 276-моддаси иккинчи қисмининг "а" банди билан қўйилган айблов чиқарилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Х.Б.га жазо тайинлашда маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олмасдан, бирмунча оғир жазо тайинлаган.

Хусусан, МЖТКнинг 30-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо ушбу кодекс ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилиши, жазони қўлланиш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Х.Б. муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди бўлса-да, суд ушбу енгиллаш-

тирувчи ҳолатларга етарлича эътибор қаратмаган.

МЖтКнинг 33-моддасига мувофиқ, суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инobatга олган ҳолда сабаб ва асосларни албатта, кўрсатиб, ушбу кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу

моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо чорасини қўллаши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 9 июндаги ажримига кўра, қарор ўзгартирилиб, Х.Б.га тайинланган жазо МЖтКнинг 33-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, 1.350.000 сўмга келтирилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2022 йил 5 сентябрь

№ РС-45-22

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чораги давомида кассация тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан маърузани тинглаб, қўйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармонида ишларни кассация тартибда кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш вазифаси белгиланган бўлиб, бу суд органлари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик родини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилга мўлжалланган иш режалари ва дастурлар ҳамда йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами кассация тартибда келиб тушган 2 527 та шикоятдан (такрорий шикоят бўйича келиб тушган ва

кўрилган ишлар бундан мустасно) 1 676 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Кўриб тамомланган 1 676 та фуқаролик ишининг 1 387 та ёки 82,7 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 213 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 76 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган.

Жами бекор қилинган 213 та ишдан 17 таси биринчи инстанция судларига, 12 таси апелляция инстанциясига янгидан кўриш учун юборилган, 133 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган, 46 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган, 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган.

Статистик таҳлиллар орқали Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қўйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари 25 та иш кассация тартибда такроран Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан кассация тартибда такроран кўрилган 25 та ишнинг 4 таси бўйича суд ҳужжатлари

ўзгартирилган, 2 таси ўзгартирилган, 19 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, шундан 12 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 7 таси қуйи инстанция судларига янгидан кўриш учун юборилган, 6 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган, 1 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун кассация инстанция судига юборилган, 5 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва апелляция инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанция судига юборилган, 1 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанцияга судига юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида кўрилган ишлар бўйича 18 та хусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлланмаганлиги; иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг

исботланмаганлиги;

суд қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлланганлиги; суд қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини нотўғри талқин қилганлиги.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Кассация инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорида судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар таҳлил қилинганлиги, ундаги таҳлилар судьялар томонидан ўрганилиши ва ундан амалиётда тўғри фойдаланилиши келгусида суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, суд амалиёти обзори жойларда судьялар иштирокида ўрганиш ва ундан амалиётда фойдаланишга кенгроқ эътибор қаратиш лозим.

Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чораги давомида кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

## Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чораги давомида кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълум

мот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суд-

нинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорларини

"Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқа-

ли етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил сентябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 1 октябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар

ва уларга тенглаштирилган судларга, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Ҳ.Турахужаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**Б. ИСЛАМОВ**



# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Олий суд Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг 2-чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Олий суд томонидан фуқароларнинг судма-суд овора бўлишининг олдини олиш, ягона суд амалиётини шакллантириш, апелляция инстанциясида ишларни кўриш сифатини ошириш мақсадида, 2022 йил судларда "Апелляция йили" деб белгиланган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами кассация тартибида келиб тушган 2527 та шикоятдан (так-

рорий шикоят бўйича келиб тушган ва кўрилган ишлар бундан мустасно) 1676 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Кўриб тамомланган 1676 та фуқаролик ишининг 1387 таси ёки 82,7 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 213 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 76 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган.

Жами бекор қилинган 213 та ишдан;  
- 17 таси биринчи инстанция судларига, 12 таси апелляция инстанциясига янгидан кўриш учун юборилган,

- 133 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган,

- 46 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари кучида қолдирилган,

- 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган.

Статистик таҳлиллар орқали Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 437 тасини Тошкент шаҳар, 195 тасини Тошкент вилояти, 157 тасини Самарқанд вилояти, 126 тасини Фарғона вилояти, 123 тасини Қашқадарё вилояти, 91 тасини Хоразм вилояти, 84 тасини Андижон вилояти, 86 тасини Бухоро вилояти, 89 тасини Наманган вилояти, 69 тасини Сурхондарё вилояти, 47 тасини Навоий вилояти, 55 тасини Жиззах вилояти, 68 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 40 тасини Сирдарё вилояти ва 9 тасини Ҳарбий судда кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида кассация тартибида

кўрилган ва бекор қилинган ёки ўзгартирилган ишлар вилоятлар кесимида қуйидагича кўринишни ташкил этган, яъни:

Самарқанд вилояти судларининг 21 фоиз (157 та иш кўрилган, шундан 9 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 24 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент вилояти судларининг 20,5 фоиз (195 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 34 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти судларининг 19,1 фоиз (47 та иш кўрилган, шундан 9 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Наманган вилояти судларининг 19,1 фоиз (89 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 12 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг 19,1 фоиз (68 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти судларининг 19 фоиз (84 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жиззах вилояти судларининг 18,2 фоиз (55 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 8 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти судларининг 17,5 фоиз (126 та иш кўрилган, шундан 7 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 15 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти судларининг 17,4 фоиз (86 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қашқадарё вилояти судларининг 17 фоиз (123 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 18 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти судларининг 15,9 фоиз (69 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти судларининг 15,4 фоиз (91 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 12 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳар судларининг 14,6 фоиз

(437 та иш кўрилган, шундан 21 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 43 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сирдарё вилояти судларининг 9,5 фоиз (42 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 2 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган).

Шунингдек, Ҳарбий судларнинг 9 та фуқаролик иши кўрилган.

Бундан ташқари 25 та иш кассация тартибида такроран Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида такроран кўрилган 25 та ишнинг:

- 4 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзга-ришсиз қолдирилган;

- 2 таси ўзгартирилган;

- 19 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, шундан 12 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 7 таси биринчи, апелляция ва кассация инстанциялари-га янгидан кўриш учун юборилган;

- 6 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

- 1 таси бўйича Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун кассация инстанция судига юборилган.

- 5 таси бўйича Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва апелляция инстанциясининг ажримлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанция судига юборилган.

- 1 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанцияга судига юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 18 та иш бўйича хусусий ажрим чиқарилган, 17 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарномалар юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Бу даврда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар, оила низолари билан (хусусан, никоҳдан ажратиш) боғлиқ низолар, қарз муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, меҳнат ва уй-жой (уйга киритиш, уйдан кўчириш ва бошқа) низолари билан боғлиқ ишлар сони бирмунча кўпайган.

2022 йилнинг иккинчи чораги давомида эр-хотиннинг мол-мулки (умумий ва алоҳида мулк деб топиш, бўлиш ва улуш ажратиш) юзасидан низолар, меросга оид низолар (меросхўр деб топиш ва бўлиш),

битимлар билан боғлиқ ва болалар тарбиясига оид ишларни кўриш жараёнида процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда судлар амалиётида айрим хатоликларга йўл қўйилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

**1. Ходимга интизомий жазо чораси қўллаш муддати ва тартибларига риоя қилинмаган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиниши ғайриқонуний деб топилади.**

Даъвогар Ф. жавобгар "Х-С." корхонасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул юрган даври учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарларни ундириб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2021 йил 26 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан Ф.нинг даъвоси рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 1 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 14 апрелдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Ф. 2006 йил 1 октябрдан бошлаб корхонада ҳуқуқшунос, 2019 йил 1 ноябрдан бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келган.

Корхонанинг 2021 йил 25

октябрдаги 811/к-сонли буйруғига асосан даъвогар Ф. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига биноан бекор қилинган.

Бунга даъвогарнинг меҳнат вазифасини бир марта қўпол бузганлиги асос сифатида кўрсатиб ўтилган.

Биринчи инстанция суди даъвогар ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги корхона томонидан ўтказилган текширув бўйича тасдиқланган деб ҳисоблаб, даъвони рад қилган, суднинг ушбу хулосаси билан апелляция инстанцияси ҳам келишган.

Хизмат текшируви хулосасига кўра, даъвогар Ф. 2018 йил давомида 1.600.000 сўм миқдорда Н.га тегишли ошхонада тамадди қилиб, пулини тўламаганлиги, 2019 йил август ойларида тадбиркор Н.нинг 1.000.000 сўм маблағини олиб, қарздорликни ёпиб беришни ваъда қилганлиги, даъвогар олган пулларни корхонага топширмасдан ҳар сафар ваъда бе-

риб келганлиги, 2021 йил 30 июлда назоратчи томонидан Н.нинг қарздорлиги қопланмаганлиги аниқланганлиги кўрсатилган.

Даъвогар Ф. 2021 йил 2 августдан 23 октябрга қадар меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган.

Меҳнат кодексининг 182-моддаси бешинчи қисмига кўра, интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Даъвогар Ф. га интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилган кундан (2018 йил, 2019 йил август ойи) бошлаб, икки йилдан сўнг (2021 йил 25 октябрь) қўлланилган.

Судлар низони ҳал этишда иш берувчи томонидан даъвогар Ф.га интизомий жазо қўллашда қонунда белгиланган бир ойлик муддатга риоя этилмаганлигини инобатга олмаган.

**2. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклар, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.**

Даъвогар А. жавобгар Ж.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ўзига тегишли юк автомашинасини алоҳида яшаган даврда орттирилган шахсий мулк деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 5 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 7 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 12 майдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, тарафлар А. ва Ж. 2002 йил 26 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва икки нафар фарзандли бўлишган.

Тарафлар суднинг 2016 йил 21 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан аж-

ратилган.

Суд тарафлар 2012 йилдан буён бирга яшамаганлиги маҳалла фуқаролар йиғини далолатномаси билан тасдиқланган деб ҳисоблаб, даъво талабини қаноатлантирган, апелляция инстанцияси ҳам суднинг ушбу хулосаси билан келишган.

Иш ҳолатларидан кўринишича, даъвогар А. жавобгар Ж.га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақида дастлаб 2015 йил 17 августда судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва унда жавобгар билан 2014 йилдан буён бирга яшамаслигини кўрсатган.

2015 йил 21 майда нотариал тасдиқланган олди сотди шартномасига биноан даъвогар А.нинг номига 2012 йилда ишлаб чиқарилган "Газел" русумли юк автомашинаси сотиб олинган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, даъвогар А. 2010 йил сентябрь ойида Россия Федерациясининг Москва шаҳрига ишлаш учун кетиб, 2012 йил август ойида жавобгар Ж.ни ҳам чақириб

олгани, улар 2014 йил декабрь ойига қадар бирга яшаб ишлаганлиги, ҳақиқатдан ҳам, А. 2014 йил декабрь ойида Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, низоли автотранспорт воситасини ҳам 2014 йил декабрь ойида Россия Федерациясидан олиб келганлиги кўринади.

Ушбу ҳолат даъвогар А.нинг низоли юк автомашинасини ўз маблағи ҳисобига сотиб олганлиги ҳақидаги важларини инкор этади.

Бироқ судлар иш учун аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳолатларни аниқламасдан, тарафлар 2014 йилнинг декабрь ойига қадар Россия Федерациясида бирга ишлаганлигини, низоли автотранспорт воситаси ҳам 2014 йил декабрь ойида Россия Федерациясидан олиб келинганлиги, автомашина сотиб олинган вақтда тарафлар бирга яшаганлиги ва уларнинг никоҳлари бекор бўлмаганлиги, бундай ҳолатда низоли транспорт воситаси эр-хотиннинг умумий мулки ҳисобланишини эътиборга олмаган.

**3. Иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан, қонунни нотўғри қўлланиш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олинishi мумкин эмас.**

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси банк манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва жавобгар И.дан банк фойдасига

2.952.417,93 сўм моддий зарар ва суд харажатларини ундириб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2021 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув

қарорига кўра, даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 18 январдаги ажрими билан суднинг ушбу ҳал қилув қарори бе-

кор қилиниб, даъво талабини қисман қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Жавобгар И.дан даъвогар банк фойдасига 1.528.731,05 сўм, 270.000 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 25 апрелдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, банк билан И. ўртасида 2017 йил 19 июнда меҳнат шартномаси тузилиб, банкнинг 2017 йил 19 июндаги Х-350-сонли буйруғига асосан И. банкнинг Юридик хизмат департаменти Меъёрий-ҳуқуқий масалалар бўйича бўлими юристи лавозимида ишга қабул қилинган.

Банкнинг 2019 йил 19 августдаги ХМ-168-сонли буйруғига асосан И.га 2019 йил 19 июндан 2020 йил 18 июнгача бўлган иш даври учун 2019 йил 23 августдан 21 сентябргача 24 иш кунидан иборат йиллик меҳнат таътили берилган ва меҳнат таътилига чиқиши муносабати билан бир ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ тўланган.

Банкнинг 2019 йилнинг 23 сентябрдаги Х-254-сон-

ли буйруғи билан И.нинг ўз хоҳишига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризасига асосан Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Биринчи инстанция суди иш берувчи томонидан даъвогарга ортиқча пул тўланганлиги исботланмаганлиги, етказилган зарар билан жавобгарни ҳаракатлари ўртасида ҳеч қандай сабабий боғланиш мавжуд эмаслиги, жавобгарни ҳаракатлари ҳуқуққа хилоф эмаслиги, келиб чиққан зарар нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида юзга келганлигини эътиборга олиб, даъво талабини рад қилиш хусусида тўхтамга келган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳулосаси билан келишмасдан, суд қарорини бекор қилиб, даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида ҳулосага келган.

Жумладан, апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, даъво талабини қисман қаноатлантиришда иш берувчи томонидан ходим И.га 2019 йил 19 июндан 2020 йил 18 июнгача бўлган иш даври учун меҳнат таътили берганлигини, бироқ жавобгарнинг ўз хоҳишига кўра, ёзган аризасига асосан у билан тузилган

меҳнат шартномаси 2019 йил 23 сентябрда бекор қилинганлиги, Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра, ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили туғамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши лозимлиги, И. меҳнат таътилидан сўнг 3 ой 4 кун ишланганлигини ҳисобга олган.

Бироқ апелляция инстанцияси қарор қабул қилишда иш берувчи банк 2019 йил 19 августдаги ХМ-168-сонли буйруққа асосан ходим И.га 2019 йил 19 июндан 2020 йил 18 июнгача бўладиган иш даври учун 2019 йил 23 августдан 21 сентябргача 24 иш кунидан иборат йиллик меҳнат таътили бериш билан бирга юқорида қайд этилган қонун талабига асосан ихтиёрий равишда бир ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ тўлаганлиги, МКнинг 279-моддасига асосан иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан, қонунни нотўғри қўлланиш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмаслигига аҳамият бермасдан, даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

**4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойининг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.**

Даъвогар М. жавобгар Д.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат

қилиб, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини қайтариш ва қурилган

девор тўсиқни буздиришни сўраган.

Туманлараро судининг

2020 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 21 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 7 апрелдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар М.нинг турмуш ўртоғи марҳум Х.га туман ҳокимининг 2003 йил 17 декабрдаги 482-қ сонли қарори билан Қ. ширкат хўжалиги ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 0.08 га ер майдони ажратиб берилган.

Мазкур ер майдонига Х.нинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи 2019 йил 27 февралда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъвогар М. ва Х. ер майдонларини 2004 йил 11 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказган. Х. 2016 йил 7

июнда вафот этган.

Ер майдонидан жавобгар Д. фойдаланиб келаётганлиги, даъвогарни ердан фойдаланиши учун қаршилик қилиб, ер майдонини бўшатиб бермаётгани сабабли марҳум Х.нинг турмуш ўртоғи М. судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Мутахассис хулосасига кўра, низоли 0,08 га ер майдони туман ҳокимининг 2003 йил 17 декабрдаги 482-қ сонли қарори асосида Х.га якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилгани, ушбу ер майдони Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 27 февралда 9/3362-рақам билан давлат рўйхатига олингани, ҳозирда ер майдонидан жавобгар Д. фойдаланиб келаётгани кўрсатилган.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 15 августдаги ажрими билан туман ҳокимининг 2003 йил 17 декабрдаги 482-қ сонли қарорининг Х.га якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,08 га ер майдони

ажратишга оид қисми ҳақиқий эмас, деб топилган.

Бу эса, даъвогарнинг турмуш ўртоғи Х.га ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилгани муносабати билан Х.нинг ер майдонига бўлган ҳуқуқлари бекор бўлганлигини кўрсатади.

Амалдаги Ер кодексининг 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан сўнг вужудга келади.

Судлар даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришда даъвогарнинг низоли ер майдонига нисбатан ҳуқуқлари мавжуд эмаслигини, шу боис ер майдонини қайтариш ва ундаги қурилмаларни буздириш ҳақидаги талабни илгари суришга ҳақли эмаслигини эътиборга олмаган.

**5. Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини исботловчи далиллар тақдим этилганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилади.**

Аризачи А. судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, ҳакамлик судининг 2021 йил 30 сентябрдаги 10-0121/17-сонли ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни сўраган.

Туманлараро судининг

2021 йил 18 ноябрдаги ажрими билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 19 апрелдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 23 июндаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, ариза рад қилинган.

Аниқланишича, 2021 йил

15 январь куни "S." МЧЖ ва фуқаро А. ўртасида турар жой қурилишини инвестициялаш тўғрисида 123-сонли шартнома тuzилган.

Мазкур шартномага кўра, "S." масъулияти чекланган жамияти П.тумани, Назруллаева кўчаси, 40-Б манзилидаги кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган 84 м<sup>2</sup> га тенг бўлган хонадонни 2021 йил 30 апрелдан кечиктирмай А. га фойдаланишга топшириши белгиланган. А. жамият ҳисобига шартномага асосан хонадон учун 343.000.000 сўм тўлаган.

2021 йил 10 июнда тарафлар ўртасида 1-сонли қўшимча келишув битими имзоланиб, А. томонидан 2021 йил 15 январьдаги 123-сонли шартномага асосан тўланган 343.000.000 сўм эвазига жамият ўзига хусусий мулк сифатида тегишли бўлган Спутник-7, 51-уй, 8-хонадонни А.нинг номига 2021 йил 10 июлга қадар нотариал тартибда расмийлаштириб беришни кафолатлаган.

Тошкент шаҳар, Спутник-7, 51-уй, 8-хонадон 2021 йил 20 апрелдаги сотувчи "D." масъулияти чекланган жамияти ва сотиб олувчи "S." масъулияти чекланган жамияти ўртасида нотариал расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан "S." масъулияти чекланган жамиятига тегишли.

Шунингдек, 2021 йил 10 июлда тарафлар ўртасида 2-сонли қўшимча келишув имзоланиб, ушбу келишувнинг 3.1-бандига кўра,

Спутник-7, 51-уй, 8-хонадонни А.нинг номига нотариал тартибда расмийлаштириб бериш имкони бўлмаган тақдирда дастлаб тўланган 343.000.000 сўм пул маблағини фоизлар билан бирга 2021 йил 15 июлга қадар қайтариб бериш белгиланган.

2021 йил 30 сентябрда ҳакамлик судида даъвогар А. нинг жавобгар "S." масъулияти чекланган жамиятига нисбатан зарар суммасини ундириш ва мажбурият юклаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича иш кўриб чиқилган. Ҳакамлик судининг 2021 йил 30 сентябрдаги 10-0121/17-сонли ҳал қилув қарори билан даъвогар А.нинг даъво аризаси қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгар "S." масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар А. нинг фойдасига жами 343.000.000 сўм зарар суммасини қоплаш учун жавобгар "S." масъулияти чекланган жамиятига тегишли Спутник-7 даҳаси, 51-уй, 8-сонли квартирани тегишли тартибда расмийлаштириш мажбуриятини юклаш белгиланган.

Шунга кўра, аризачи А. ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этган.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб ҳамда ФПКнинг 358-моддасига кўра, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш

ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суд хулосаси билан келишиб, биринчи инстанция судининг ажримини ўзгартиришсиз қолдирган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасидаги низони ҳакамлик суди томонидан ҳал этишга асос бўлган 2021 йил 10 июлдаги 2-сонли қўшимча келишув битимининг 3.1-бандига кўра, тарафлар ўртасидаги 1-сонли битимнинг 4.2-бандига ўзгартириш киритилган.

Ушбу банднинг мазмунига кўра, Спутник-7, 51-уй, 8-хонадонни А.нинг номига нотариал тартибда расмийлаштириб бериш имкони бўлмаса, у ҳолда мазкур битимда белгиланган давр мобайнида "Инвестор" томонидан "Компания"га тўланган 93-сонли шартнома учун 202.000.000 сўм ҳамда 123-сонли шартнома учун 141.000.000 сўм, жами 343.000.000 сўм маблағ умумий суммага нисбатан ҳар бир кечиккан кун учун 0.5 фоиз жарима қўшган ҳолда асосий қарздорлик ва жарималар қатъий равишда Компания томонидан Инвесторга 2021 йил 15 июлга қадар тўлаб берилиши белгиланган ва буни тарафлар тан олишган.

Бироқ ҳакамлик суди ҳакамлик битими доирасидан четга чиқиб, 2021 йил 30 сентябрдаги 10-0121/17-сонли ҳал қилув қарорида жавобгар "S." масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар А.нинг фойдасига жами 343.000.000 сўм зарар суммасини қопланиши

учун жавобгарга Спутник-7 даҳаси, 51-уй, 8-сонли квартирани тегишли тартибда расмийлаштириш мажбуриятини юклашга оид низони ҳал қилганлиги аниқланди.

2021 йил 10 июлдаги 2-

сонли қўшимча келишув битимида эса, шартномага асосан тўланган 343.000.000 сўм маблағ ҳамда суммага нисбатан ҳар бир кечиккан кун учун 0.5 фоиз жаримани қўшган ҳолда асосий қарздорлик

ва жарималарни тўлаб берилиши назарда тутилган.

Судлар эса, иш учун аҳамиятга бўлган ушбу ҳолатларга аҳамият бермасдан, аризани қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

**6. Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга зарарни тўлаши шарт.**

Даъвогар Д. судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар "О." масъулияти чекланган жамиятидан боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан тўланмай қолган 55.944.058 сўм зарарни 2018 йил 14 ноябрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг ошишига мутаносиб равишда кўпайтирилган ҳолда ҳамда 100.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2022 йил 2 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талабининг маънавий зарарни ундиришга оид қисми қисман қаноатлантирилган.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 29 мартдаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг маънавий зарар ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, жавобгар "О." масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар Д. нинг фойдасига 20.000.000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгартирилган.

Қуйидаги асосларга кўра,

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 2 июндаги ажрими билан суд ҳужжатлари қисман бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Д.нинг турмуш ўртоғи С. "О." давлат унитар корхонасида 2018 йил 2 октябрда қадар ишчи вазифасида ишлаб келган.

Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб, сизот сувларини тутиб қолувчи коллектор қурилишида 2018 йил 2 октябрда содир бўлган бахтсиз ҳодиса натижасида С. вафот этган.

Ушбу бахтсиз ҳодиса тўғрисида 2018 йил 5 октябрда Н-1 шаклидаги далолатнома расмийлаштирилган.

"О." давлат унитар корхонасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 36-сонли буйруғига кўра, марҳум С.нинг етказилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган қарамоғидаги шахсларга 82.944.058,32 сўм бир йўла нафақа тўлаш белгиланган.

Кейинчалик, жавобгар "О." давлат унитар корхонаси томонидан 2018 йил 30 ноябрдаги 39и-ч-сонли буйруққа асосан С.нинг ет-

казилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган қарамоғидаги шахсларга 44.176.904,46 сўм бир йўла нафақа тўлаш белгиланган.

2018 йил 18 майда "О." масъулияти чекланган жамияти ва "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти ўртасида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳақида 10-05/058110000994-сонли шартнома имзоланган ва 0208860-сонли суғурта полиси берилган.

2018 йил 17 декабрда суғурталовчи "О." масъулияти чекланган жамияти, суғурта қилувчи "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти ва наф олувчилар номидан даъвогар Д. иштирокида суғурта ҳодисасининг тан олинганлиги тўғрисида далолатнома тузилган ва марҳум С.нинг турмуш ўртоғи Д.га бир йўла тўланадиган нафақа учун 44.176.904,46 сўм, ойма-ой тўланадиган нафақа пули 1.645.813,96 сўм, жами 45.822.718,42 сўм суғурта товони бир йўла ўтказиб берилишига келишилган.

Шунга асосан "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан 2018 йил 20 декабрдаги 114-сонли



тўлов топшириқномасига асосан Д.нинг пластик картасига 45.822.718,42 сўм ўтказиб берилган.

Бундан ташқари жавобгар "О." МЧЖ томонидан моддий ёрдам сифатида Д.нинг пластик картасига 2018 йил 18 декабрда 20.000.000 сўм, 2021 йил 30 июлда 7.121.340 сўм ўтказиб берилган.

Даъвогар Д. 2018 йил 13 ноябрдаги буйруққа асосан тўланиши лозим бўлган 55.944.058,32 сўм зарар тўлаб берилмаганлигини кўрсатиб, судга даъво аризаси билан мурожаат этган.

Судлар даъвогар бахтсиз ходиса оқибатида боқувчисини йўқотганлиги учун бир йўла тўланадиган нафақа пулини зарар сифатида олганлигини инobatга олиб, даъво талабларини моддий зарарни ундириш қисмини қаноатлантиришни рад қилиш, маънавий зарарни ундириш қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси ҳам суднинг зарарни ундириш ҳақидаги талабини рад қилишга оид хулосалари билан келишиб, суд қарорининг маънавий зарар ундириш ҳақидаги қисмини ўзгартирган.

Судлар даъвогар Д.нинг боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан тўланмасдан қолган зарарни базавий ҳисоблаш миқдорининг ошишига мутаносиб равишда ундириш ҳақидаги талабини рад қилишда акциядорлик жамиятининг 2018 йил 30 ноябрда 39 ич-сонли буйруғига асосан С.нинг етказилган зарар

тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган қарамоғидаги шахсларга 44.176.904,46 сўм бир йўла нафақа тўлаш белгиланганлигини, шунингдек, 2018 йил 17 декабрдаги суғурта ҳодисасининг тан олинганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан бир йўла тўланадиган нафақа учун 44.176.904 сўм суғурта товони аниқланганлиги ҳамда ушбу далолатномага даъвогар ҳам имзо чекканлигига асосланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари" 14-бандига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизликдан ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги ва охириги ўн икки ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) ҳақи бўйича аниқланади.

"Қоидалар"нинг 15-бандига кўра, ўн икки ойдаги иш учун ўртача ойлик иш ҳақи мазкур Қоидаларнинг 14-бандига кўрсатилган иш ҳақининг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади. Жабрланувчи зарар етказилган вақтда ўн икки ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлар со-

нига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Шунингдек, ушбу "Қоидалар"нинг 29-бандига кўра, боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга иш берувчи вафот этганнинг камида олтига ўртача йиллик иш ҳақининг ушбу шахслар сонига бўлинган суммасида бир йўла бериладиган нафақа тўлайди.

Олтита ўртача йиллик иш ҳақи миқдори ушбу Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган вафот этганнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)ни етмиш иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

"О." МЧЖнинг 2018 йил 30 ноябрдаги 39 ич-сонли буйруғи ҳамда 2018 йил 17 декабрдаги суғурта ҳодисасининг тан олинганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан Д.нинг боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарар миқдорини аниқлашда, хусусан, ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда юқорида қайд этилган "Қоидалар" талабларига амал қилинмаганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Чунки С.нинг вафот этишидан олдинги-охириги 12 ойлик (2017 йил октябрь ойдан 2018 йил октябрга қадар) иш ҳақининг умумий суммасини ҳақиқатда ишлаган ойлар сони (6) га бўлмасдан, 12 га бўлиш орқали С.нинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори (613.568 сўм) ҳисобланган.

Ваҳоланки, "О." МЧЖ томонидан тақдим этилган С.нинг вафот этишидан ол-

динги-охирги 12 ойлик (2017 йил октябрь ойидан 2018 йил октябрга қадар) иш ҳақи маълумотномасига кўра, унга 2017 йил октябрь ойига 1.129.783 сўм, декабрь ойига 1.394.321 сўм, 2018 йил январь ойига 1.040.994 сўм, февраль ойига 911.384 сўм, август ойига 1.664.641 сўм ҳамда сентябрь ойига 1.221.695 сўм, жами 7.362.818 сўм иш ҳақи ҳисобланган.

Юқорида қайд этилган

"Қоидалар"га кўра, жабрланувчи зарар етказилган вақтда ўн икки ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Судлар эса, иш учун аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, амалдаги тартиб бўйича бир йўла тўланадиган нафақа зарарни унди-

риш ҳуқуқи олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида тўланиши белгиланган бўлса-да, "О." МЧЖ томонидан С.нинг иш билан боғлиқ ҳолда вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қарамоғида бўлган турмуш ўртоғи ва меҳнатга лаёқатсиз фарзандига зарарни тўлиқ тўламасдан келганлигини инобатга олмаган ва даъвонинг шу қисмини рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

**7. Мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.**

Даъвогар Ш. судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар "Ф." МЧЖдан ўзининг фойдасига 20.697.899 сўм асосий қарз, пул маблағини ғайриқонуний ушлаб қолиш ва фойдаланганлик учун 3.139.871 сўм фоиз, адвокат хизмати учун 2.000.000 сўм, 1.033.510,8 сўм давлат божи ва 17.150 сўм почта харажати ундириб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2021 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 7 январдаги ажрими билан суднинг қарори бекор қилиниб, даъво талабини қисман қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, жавобгар "Ф." МЧЖдан даъвогар Ш. фойдасига 20.697.899 сўм, пул маблағини ғайриқонуний ушлаб қолганлик учун

1.754.501 сўм фоиз, 1.000.000 сўм адвокат хизмати учун тўланган харажат, 938.096 сўм давлат божи, жами 24.390.496 сўм ундириш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 23 майдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2019 йил 15 ноябрда тузилган 112/19-сонли дастлабки шартномага кўра, даъвогар Ш. жавобгар "Ф." МЧЖ томонидан қурилаётган Я. тумани, М. кўчасида жойлашган уйнинг умумий майдони 53.11 м<sup>2</sup> бўлган 48-хонадон учун жамиятга 437.954.000 сўм тўловни амалга ошириш, ўз навбатида, жамият қурилиш ишларини шартномада белгиланган муддатда яқунлаб, уй-

жойни даъвогарга топшириш мажбуриятини олган.

Юқорида қайд этилган шартномага асосан даъвогар Ш. ўз мажбуриятини бажариб, хонадон учун 437.954.000 сўм тўловни "Ф." МЧЖга тўлиқ тўлаб берган.

2020 йил 20 июнда нотаerial тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан М. кўчасида жойлашган 95/1-уйнинг умумий майдони 50.60 м<sup>2</sup> дан иборат бўлган 48-хонадон "Ф." МЧЖ ва Ш. ўртасида олди-сотди қилинган.

Тарафлар ўртасида 2020 йил 17 февралда тузилган қабул қилиш-топшириш далолатномага асосан хонадон Ш. га топширилган. Мазкур далолатномада Ш. хонадонни қабул қилиб олганлиги ва эътирози йўқлигини кўрсатган.

Даъво талабида Ш. 2019 йил 15 ноябрдаги 112/19-сонли шартномага асосан "Ф." МЧЖга 95/1-уйнинг

умумий майдони 53,11 м<sup>2</sup> бўлган 48-хонадоннинг ҳар бир м<sup>2</sup> учун 8.246.168 сўмдан, жами 437.954.000 сўм тўлаганлигини, бироқ жамият шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармасдан унга 50,60 м<sup>2</sup> дан иборат хонадонни топширганлиги, шу боис ортиқча тўланган 20.697.899 сўм маблағини ўзига қайтаришни важ қилиб кўрсатган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатлари ҳамда Фуқаролик кодексининг 479-480-моддалари талабларидан келиб чиқиб, жамият томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилганлигини, жамият нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномага асосан хонадон даъвогар Ш. нинг номига расмийлаштириб берганлигини, олди-сотди шартномасининг 4-бандида умумий майдони 50,60 м<sup>2</sup> хонадон тарафлар томонидан 437.954.000 сўмга баҳоланганлиги кўрсатилганлигини, даъвогар олди-сотди шартномасини имзолашдан олдин хонадоннинг майдони юзасидан эътироз билдирмаганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг хулосаси билан келишмасдан, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришда ФКнинг 9, 238, 327 ҳамда

1023-1024-моддаларига асосланиб, 2019 йил 15 ноябрдаги 112/19-сонли шартномага асосан тарафлар умумий майдони 53.11 м<sup>2</sup> бўлган хонадонни ҳар бир метр кв.ни 8.246.168 сўмдан, жами 437.954.000 сўмга келишганлиги, 2020 йил 20 июндаги олди-сотди шартномасида эса, хонадоннинг майдони 50.60 м<sup>2</sup> кўрсатилганлиги, мазкур шартноманинг 4-бандида турар жой тарафлар томонидан 2020 йил 2 февралдаги ўзаро баҳолаш далолатномасига асосан 437.954.000 сўмга баҳоланганлиги кўрсатилганлигини, бироқ ушбу далолатнома судга тақдим этилмаганлигини эътиборга олган.

2020 йил 20 июнда реестрда 202002152000372-сон билан қайд этилган олди-сотди шартномасига асосан "F." МЧЖ М. кўчасида жойлашган 95/1-уй, 48-хонадон (умумий майдони 50.60 кв.метр, яшаш майдони 27,30 м<sup>2</sup> дан иборат)ни Ш.га 437.954.000 сўмга сотган.

Шартноманинг 5-бандига кўра, шартнома тузилишидан олдин нотариус томонидан тарафларга Фуқаролик кодексининг 356, 479-481, 484-488-моддалари ва Уй-жой кодексининг 11, 13, 14, 23, 24-моддалари талаби тушунтирилган.

Шунингдек, шартноманинг 13-банди 3-хатбошисида, шартнома тарафларнинг асл мақсадларига мувофиқ тузилганлиги, унинг мазмун-моҳияти тушунарли эканлиги кўрсатилган бўлиб, даъвогар Ш. ёки унинг вакили томонидан олди-сотди шартномаси бўйича хонадоннинг ўлчами ва баҳоси юзасидан ҳеч қандай

эътироз билдирилмаган.

Бундан ташқари тарафлар томонидан имзоланган ва нотариал идорага тақдим этилган 2019 йил 15 ноябрдаги 112/19-сонли дастлабки шартномада ҳам хонадоннинг умумий майдони 50,60 м<sup>2</sup> эканлиги кўрсатилган.

2020 йил 17 февралда тузилган қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан Ш. хонадонни шахсан қабул қилиб олган ва эътирози йўқлигини маълум қилган.

Дастлабки шартноманинг 7.1-бандига кўра, шартнома тарафлар ўртасида имзолангандан кучга кириши ва мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга ва ўзаро ҳисоб-китоблар якунлангунга қадар амал қилади.

Бундай ҳолатда тарафлар дастлабки шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади ва дастлабки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади.

Фуқаролик кодексининг 384-моддасига кўра, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади.

Айни пайтда тарафлар ўртасида тузилган М. кўчасида жойлашган 95/1-уй, 48-хонадоннинг олди-сотди шартномаси қонуний кучда бўлиб, у бекор қилинмаган ёки ўзгартирилмаган.

Апелляция инстанцияси ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, қонуний ва асосли бўлган суд қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш хулосида нотўғри тўхтамга келган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2022 йил 5 сентябрь

№ РС-47-22

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан маърузани тинглаб, қўйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармонида ишларни кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш вазифаси белгиланган бўлиб, бу суд органлари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик родини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, Дастурлар ва Йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

2022 йилнинг биринчи ярми ҳисобот даври бошига қолдиқдаги биринчи инстанцияда кўриладиган ишлар сони 2 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами

4 та даъво аризаси келиб тушган.

Улардан 1 таси қайтарилган, 1 тасини қабул қилиш рағ этилган, 2 та даъво аризаси иш юритувга қабул қилиниб, 1 таси кўриб чиқилган ва у бўйича тарафлар ўртасида келишув битими тасдиқланиши муносабати билан иш юритиш тугатилган, 3 та иш ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 2 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

2022 йилнинг биринчи ярми ҳисобот даври бошига қолдиқдаги апелляция шикоят (протест)лари сони 23 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 153 та апелляция шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан 47 таси қайтарилган, 16 тасини қабул қилиш рағ этилган, 90 таси иш юритувга қабул қилиниб, 92 таси кўриб чиқилган ва улардан 60 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 6 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва 26 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 10 таси янгидан кўриш учун юборилган, 12 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 1 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 3 таси бўйича эса, иш юритиш тугатилган. 21 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 1 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 199 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1 100

та кассация шикоят (протестлари) келиб тушган.

Улардан 358 таси қайтарилган, 68 тасини қабул қилиш рад этилган, 674 таси иш юритувга қабул қилинган. 670 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шундан 432 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 30 та суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 208 та суд ҳужжатлари эса, бекор қилинган. Шундан 126 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 53 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 24 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 1 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 4 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 203 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 9 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Ҳисобот даври бошига қолдиқдаги такрорий кассация шикоят (протест)лари сони 3 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида ишни кассация тартибига такроран кўриш тўғрисида 29 та ариза келиб тушган ва улардан 29 таси кўриб чиқилиб, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 25 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилинган ва улардан 16 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 5 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 4 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 3 та ариза ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 1 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Судлов ҳайъати томонидан жами 14 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 3 та Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этилган.

Шунингдек, Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йил давомида кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича, республика

иқтисодий судлари томонидан 2021 йил давомида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриш ҳамда шартномалар шартларини шарҳлашда қонунчилик ҳужжатларини қўллаш бўйича ва иқтисодий судлар томонидан 2020-2021 йиллар давомида Солиқ кодексининг айрим нормаларини қўллаш билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича суд амалиёти юзасидан умумлаштиришлар ўтказилган, 2021 йилнинг тўртинчи чораги ва 2022 йилнинг биринчи чорагида Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Бундан ташқари Олий суднинг 2022 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 3.10-банди ижросини таъминлаш мақсадига Хоразм, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан 2020-2021 йилларда оғил судловни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва ташкилий фаолияти амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганилиб, натижалари Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги ва ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилишига йўл қўйиш;

ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судга кўрилиши лозимлиги каби қонун нормаларига етарли эътибор бермаслик;

суғурта шартномасида белгиланган, хусусан, суғурта ҳодисаси белгиланган

шартлар тўлиқ ўрганилмаслик;

божхона ишида божхона органи божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олган кунни амалда бўлган қонунчилик қўлланилиши, божхона тўғрисидаги қонунчилик орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилиши тўғрисидаги моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилган.

Судьялар оғил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш

ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлашлари лозим.

Кассация инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорида судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар таҳлил қилинганлиги, таҳлиллар судьялар томонидан ўрганилиши ва ундан амалиётда тўғри фойдаланилиши келгусида суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, суд амалиёти обзори жойларда ўрганиш ва ундан амалиётда фойдаланишга кенгроқ эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибига кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекис-

тон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б.Сайфуллаев) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзори вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил сентябрь ойида** ви-

деоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 1 октябрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ҳ.Турахужаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

**Б. ИСЛАМОВ**

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи ярмида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йилнинг биринчи ярми давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тартибида қайта кўрилган.

2022 йилнинг биринчи ярми ҳисобот даври бошига қолдиқдаги биринчи инстанцияда кўрилаётган ишлар сони 2 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 4 та даъво аризаси келиб тушган.

Улардан 1 та даъво аризаси қайтарилган, 1 тасини қабул қилиш рад этилган, 2 таси иш юритувга қабул қилиниб, 1 таси кўриб чиқилган ва у бўйича тарафлар ўртасида келишув битими тасдиқланиши муносабати билан иш юритиш тугатилган. 3 та иш ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 2 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

2022 йилнинг биринчи ярми ҳисобот даври бошига қолдиқдаги апелляция шикоят (протест)лари сони 23 тани таш-

кил этиб, ҳисобот даврида жами 153 та апелляция шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан 47 таси қайтарилган, 16 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 90 таси иш юритувга қабул қилиниб, 92 таси кўриб чиқилган ва улардан 60 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 6 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва 26 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 10 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 12 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 1 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 3 таси бўйича эса, иш юритиш тугатилган. 21 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 1 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 199 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1100 та кассация шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан 358 таси қайтарилган, 68 тасини қабул қилиш рад этилган, 674 таси иш юритувга қабул қилинган, 670 таси кўриб чиқилган. Шундан 432 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 30 таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, 208 таси бўйича суд ҳужжати бекор қилинган. Шундан 126 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 53 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 24 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 1 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 4 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 203 таси ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 9 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Ҳисобот даври бошига қолдиқдаги

ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисидаги протестлари сони 3 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақида 29 та ариза келиб тушган ва улардан 29 таси кўриб чиқилиб, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 25 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилинган ва улардан 16 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 5 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 4 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 3 та ариза ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 1 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Судлов ҳайъати томонидан жами 14 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва 3 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилиши-

да иштирок этилган.

Бундан ташқари Олий суднинг 2022 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси 3.10-банди ижросини таъминлаш юзасидан Хоразм, Андижон, Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан 2020-2021 йилларда одил судловни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва ташкилий фаолияти амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганилиб, натижалари Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## 1. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

### **1. Иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.**

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) "Н." МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади), низонинг предметиға нисбатан мустақил талабалар билан арз қилмайдиган учинчи шахс туман ҳокимлигига (бундан буён матнда учинчи шахс деб юритилади) нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2019 йил 30 декабрдаги 322-сонли олди-сотди шартномаси ва 2021 йил 30 мартдаги 40-сонли қўшимча келишувни бекор қилишни ҳамда жавобгар-

дан даъвогар фойдасига 150000 АҚШ доллари миқдорида жарима ундиришни ва жавобгар зиммасига объектни киритган инвестициялари билан бирга балансда сақловчига топшириш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2019 йил 30 декабрда тузилган 322-сонли олди-сотди шартномаси ва 2021 йил 30 мартдаги 40-сонли қўшимча келишув бекор қилинган, жавобгардан даъвогар фойдасига 150000 АҚШ доллари миқ-

дорида жарима ундирилган, жавобгар зиммасига киритган инвестициялари билан бирга объектни даъвогарга топшириш мажбурияти юклатилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг 2019 йил 30 декабрдаги 322-сонли олди-сотди шартномаси ва 2021 йил 30 мартдаги 40-сонли қўшимча келишувни бекор қилиш талабларини кўрмасдан қолдириш, даъвонинг жавобгардан 150000 АҚШ доллари миқдорида жарима ундириш ва жавобгар зиммасига киритган инвестициялари



билан бирга объектни даъвогарга топшириш мажбуриятини юклаш талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, 2019 йил 30 декабрда даъвогар, жавобгар ва туман ҳокимлиги (балансда сақловчи) ўртасида туман ҳудудида жойлашган ММТП биносини инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда ўрнатилган тартибда харид қийматида сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилган ва шартнома даъвогар томонидан 322-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.1-бандига кўра, жавобгар мазкур шартноманинг 2-иловасига мувофиқ 1 000 000 АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларини 12 ой муддат ичида бажариб, бинони реконструкция ва капитал ремонт қилиш ва қўшимча қурилиш ишларини амалга ошириш ва темир бетон буюмлари, пластик труба ва клёнка ишлаб чиқариш, 3 дона бетонамиксер, техника, автотранспорт (қурилиш учун зарур юк машинаси) воситалари сотиб олиш ҳамда 2 000 кв. метр майдонда иссиқхона ташкил қилиши лозим бўлган.

Шартноманинг 2-иловаси, яъни инвестиция мажбуриятларини бажариш жадвалига мувофиқ, жавобгар томонидан объектга 2020 йилнинг январь-март ойларида 50000 АҚШ доллари, 2020 йилнинг ап-

рель-июнь ойларида 200000 АҚШ доллари, 2020 йилнинг июль-сентябрь ойларида 300000 АҚШ доллари, 2020 йилнинг октябрь-декабрь ойларида 450000 АҚШ доллари, шу даврларда жами 1 000 000 АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиши лозим бўлган.

Бундан ташқари шартноманинг 3.5-бандига асосан жавобгар инвестициялаш объектида 50 та янги ишчи ўрини яратиш мажбуриятини олган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида 2021 йил 30 мартдаги 40-сонли қўшимча келишув тузилиб, олди-сотди шартномасининг инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш муддати олти ойга, яъни 2020 йил декабрь ойидан 2021 йил июнь ойига қадар узайтирилган.

Қайд этилган шартноманинг 5.6-бандига ушбу шартноманинг 4-бўлими, 2-иловасида назарда тутилган муддатлар тугагандан сўнг харидор томонидан уч ой мобайнида ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмларда (набатдаги, оралик инвестиция даврида миқдор жиҳатидан) инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилмаган (ёки лозим даражада бажарилмаган) тақдирда, сотувчи ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилишга ҳақли эканлиги, бунда объектга киритилган инвестициялар қисми харидорга қайтарилмаслиги ва компенсация қилинмаслиги, харидорнинг айби билан шартнома бекор

қилинса, харидор инвестиция мажбуриятларини бажармаганлиги учун олган инвестиция мажбурияти маблағларининг 15 фоизи миқдорида сотувчи фойдасига жарима ундирилиши белгиланган.

ФКнинг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек, кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойка миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга.

Биринчи инстанция суди жавобгардан даъвогар фойдасига 150000 АҚШ доллари миқдорида жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилишда, жавобгар томонидан мажбуриятни бажариш даражаси, унинг молиявий аҳволини ўрганмаган.

Апелляция инстанцияси суди 2019 йил 30 декабрдаги 322-сонли олди-сотди шартномасини ва 2021 йил 30 мартдаги 40-сонли қўшимча келишувни бекор қилиш тўғрисида нотўғри хулосага келган. Чунки даъвогар томонидан шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф бир неча марта жавобгарга

юборилган, шунингдек, шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф туман ҳокимлигининг бевосита инвестиция масалалари билан шуғулланувчи ходимга топширилган.

Судлар томонидан жавобгарнинг 450000 АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритганлиги, темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни

йўлга қўйганлиги тўғрисидаги важларига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Низони ҳал этишда судлар томонидан юқорида қайд этилган иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқланмасдан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўйган ҳолда қарорлар қабул

қилинган.

Бундай ҳолатда, судлов ҳайъати кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

**2. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.**

"Н." МЧЖ (бундан кейин матнда жамият деб юритилади) таъсис ҳужжатлари ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилиб, унга кўра, жамият устав фонди 30 000 000 сўм миқдорида белгиланган.

Жамият низом жамғармасидаги улушлар миқдори жамият таъсисчилари ўртасида қуйидагича тақсимланган:

- "А." МЧЖ — 20 фоиз (6 000 000 сўм);
- "Б." МЧЖ — 20 фоиз (6 000 000 сўм);
- фуқаро Ф. — 30 фоиз (9 000 000 сўм);
- фуқаро И. — 30 фоиз (9 000 000 сўм).

Жамиятнинг 2017 йил 28 августдаги 10-П-сонли буйруғига биноан жамият балансидаги асосий воситалар рўйхатида бўлган бино мажмуаси ёпиқ кимошди савдо-аукцион орқали баҳоланган ҳолда сотилиши ва аукцион ўтка-

зиш учун комиссия таркиби белгиланган.

Жамиятнинг 2017 йил 4 сентябрдаги 11-П-сонли буйруғи билан жамият балансидаги асосий воситалар рўйхатида бўлган бино мажмуаси қолдиқ қийматида сотилиши белгиланган. "К." МЧЖ шаклидаги консалтинг компаниясининг 2017 йил 6 сентябрдаги баҳолаш ҳисоботида асосан бино мажмуаси 149 760 000 сўмга баҳоланган.

Жамият томонидан "Асл кўчмас мулк савдо риэлтор" МЧЖнинг ҳудудий бўлимига 2017 йил 6 сентябрда буюртма хати берилиб, бино мажмуасини бошланғич нархи 145 000 000 сўм қийматида кимошди ёпиқ аукцион савдосида сотиб бериш сўралган.

Жамиятнинг 2017 йил 8 сентябрда савдо ташкилотчисига юборган хатида ёпиқ аукцион савдосида қатнашувчи фуқаролар рўйхати Р., Г., Д.дан иборатлиги ва комиссия раиси Л. белгиланганлиги

маълум қилиниб, сотилдиган бинонинг закат тўлови миқдорини 0,1 фоиз миқдорида белгиланиши сўраган.

2017 йил 22 сентябрда савдо ташкилотчиси томонидан ўтказилган кимошди аукцион савдоларида фуқаро Х. голиб деб топилган ва 2017 йил 22 сентябрда 3/1-сонли голиблик баённомаси расмийлаштирилган. Кимошди аукцион савдоси натижалари бўйича "сотувчи" — жамият, "сотиб олувчи" — фуқаро Х. ва савдо ташкилотчиси иштирокида 2017 йил 22 сентябрда 3/1-сонли олди-сотди шартномаси тузилиб, унда жамиятга тегишли бино мажмуасининг қурилиш майдони 976,20 кв.м, фойдали майдони 829,77 кв.м қисми фуқаро Х.га 150 000 000 сўмга сотилиши белгиланган. Бино мажмуасининг мазкур қисми фуқаро Х. томонидан 2017 йил 26 октябрда "Т." МЧЖга сотилган ва кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган.

Жамият таъсисчиси фуқаро Ф. (бундан кейин матнда даъвогар деб юритилади) бундан норози бўлиб, жамиятга тегишли бино мажмуаси қисмини кимошди савдоси орқали сотишда қонун ҳужжатлари ва жамият уставига риоя қилинмаганлиги, жамият раҳбари битим тузилишидан манфаатдор бўлганлиги сабабли таъсисчиларнинг розилиги олинмасдан, ноқонуний сотилганлигини таъкидлаган ва жамият, фуқаро Х. ва "Асл кўчмас мулк савдо риэлтор" МЧЖнинг ҳудудий филиалига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Шунингдек, даъвогар суд ҳужжати қабул қилингунга қадар судга даъво талабини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, "Асл кўчмас мулк савдо риэлтор" МЧЖ ҳудудий филиали томонидан 2017 йил 22 сентябрда ўтказилган кимошди савдосини ҳақиқий эмас, деб топишни ва унинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллашни, шунингдек, 2017 йил 22 сентябрдаги 3/1-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни ва битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни ва ундан кейин тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суднинг 2019 йил 8 октябрдаги ажрими билан даъвогарнинг даъво талабини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси иш юритишга қабул қилинган.

Биринчи инстанция су-

дининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, "Асл кўчмас мулк савдо риэлтор" МЧЖнинг ҳудудий филиали томонидан 2017 йил 22 сентябрда ўтказилган кимошди савдоси ҳақиқий эмас, деб топилган ва битим ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилиб, 2017 йил 22 сентябрда тузилган 3/1-сонли аукцион савдолари натижаси ғолиблик баённомаси ҳақиқий эмас деб топилган, жамият, фуқаро Х. ва "Асл кўчмас мулк савдо риэлтор" МЧЖ ҳудудий филиали ўртасида 2017 йил 22 сентябрда тузилган 3/1-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилиб, даъвогарнинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ушбу ҳал қилув қарори ўзгартиришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, 2017 йил 22 сентябрда савдо ташкилотчиси томонидан ўтказилган кимошди аукцион савдоларида фуқаро Х. ғолиб деб топилган ва 2017 йил 22 сентябрда 3/1-сонли ғолиблик баённомаси расмийлаштирилган.

Кимошди аукцион савдоси натижалари бўйича "сотувчи" — жамият, "сотиб олувчи" — фуқаро Х. ва савдо ташкилотчиси иштирокида 2017 йил 22 сентябрда 3/1-сонли олди-сотди шартномаси тузилиб, жамиятга тегишли бино мажмуасининг қури-

лиш майдони 976,20 кв.м, фойдали майдони 829,77 кв.м қисми фуқаро Х.га 150 000 000 сўмга сотилган. Бино мажмуасининг мазкур қисми фуқаро Х. томонидан 2017 йил 26 октябрда "Т." МЧЖга сотилган.

Фуқаро Х. ва "Т." МЧЖ ўртасида имзоланган 2017 йил 26 октябрдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво талаби корпоратив низо ҳисобланмайди ва ушбу низонинг кўриб чиқилиши иқтисодий судга эмас, балки фуқаролик судига тааллуқлидир.

Ушбу иқтисодий иш доирасида даъвогар билдирган талабларнинг баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлидир.

ИПКнинг 25-моддаси 5-қисмига мувофиқ ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Демак, даъвогар томонидан билдирилган даъво талаблари фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилиши лозим.

ИПКнинг 110-моддаси 1-бандига кўра, агар иш судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади.

Олий суд Пленумининг "Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим

масалалари тўғрисида"ги 13-сон қарори 22-бандида берилган тушунтиришларга кўра, иш юритишни тугатиш низонинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарорини чиқармасдан суд муҳокамасини тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. ИПКнинг 110-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати "Н." МЧЖнинг кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, даъвогарнинг жамият, фуқаро Х. ва "Асл кўчмас мулк савдо риэлтор" МЧЖнинг ҳудудий филиалига нисбатан "Асл кўчмас мулк савдо риэлтор" МЧЖ ҳудудий филиали томонидан 2017 йил 22 сентябрда ўтказилган ким-

ошди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш ва битм ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, шунингдек, 2017 йил 22 сентябрдаги 3/1-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ва битим ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, кейинчалик тузилган олди-сотди шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

## II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

### **1. Суғурта шартномасида белгиланган шартларда кўрсатилган суғурта ҳодисаси рўй бермаганлиги суғурта товонини ундириш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантишни рад этишга асос бўлади.**

Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг (бундан буён матнда Палата деб юритилади) акциядорлик тижорат банки (бундан буён матнда банк ёки даъвогар деб юритилади) манфаатида "И." АЖдан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 4 466 000 сўм суғурта товонини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар ва фуқаро Х. (бундан кейин мантда қарздор деб юритилади) ўртасида тузилган кредит шартномаси шартларига кўра, даъвогар қарздорга йиллик 8 фоиз устама тўлаш шarti билан 36 ой муддатга, 5 000 000

сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағлари ажратиш, қарздор эса, белгиланган тўлов графиги асосида кредит тўловларини амалга ошириб бориш мажбуриятини олган.

Қарздор кредит шартномаси бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги натижасида унинг банк олдида жами 4 466 000 сўм, шундан 4 116 000 сўм муддатли асосий қарздорлик, 350 000 сўм муддати ўтган фоиз қарздорлиги юзага келган.

Ажратилган кредит маблағларини қайтармаслик хатарини суғурталаш тўғрисидаги келишувга асосан даъвогар томонидан қарздорга ажратилган имтиёзли кредит маблағларини қайтармаслик хатари суғурталанган.

Қарздорга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнда-

ги ПҚ-3777-сонли қарорига асосан оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш учун 5 000 000 сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратишда кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида 2019 йил 4 июлда шартнома тузилган ва банк филиалига 2019 йил 4 июлда суғурта полиси тақдим қилинган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилиниб, кредит қарздорлигини мажбурий равишда ундириш учун туман МИБга юборилган.

Банк филиали кредит комиссияси йиғилишининг 2021 йил 20 августдаги 4-баёни қарорига кўра, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан

қарздордан ундирилмай қолаётган умидсиз 4 466 000 сўм кредит маблағини кредитнинг қайтариллиши таъминоти сифатида тақдим қилинган суғурта полиси ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилиши белгиланган.

МИБ туман бўлимининг 2021 йил 12 октябрдаги қарори билан қарздорнинг мол-мулки аниқланмаганлиги сабабли "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси 3-бандига асосан ижро ҳужжати даъвогарга ижросиз қайтарилган.

Даъвогар 2021 йил 28 августдаги 441/2-сонли ариза билан суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақида жавобгарга маълум қилган.

Жавобгар ушбу аризага жавобан даъвогардан ҳужжатларни тақдим қилишни сўраган.

Даъвогар 2021 йил 6 сентябрда жавобгарга 523-сонли талабнома, 2021 йил 8 октябрда 502/2-сонли хат билан суғурта ҳодисаси юзасидан ҳужжатларни юборган. Жавобгар даъвогарнинг 502/2-сонли хатига 2021 йил 1 ноябрдаги 16334-сонли жавоб хатини берган.

ФКнинг 929-моддасига кўра, мулк суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулк манфаат

тўғрисида;

юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта товони миқдори аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурталанган шахс тўғрисида;

суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб, суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонунчиликда белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган

шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонунчиликнинг тегишли қоидалари қўлланилади.

2019 йил 4 июлдаги шартноманинг 3.1-бандига мувофиқ, суғурта ҳодисаси деб суғурта даврида юз берган қуйидагилар натижасида суғурта қилдирувчига зарар етказилишига олиб келган воқеа тушунилади:

а) қарз олувчи томонидан кредит шартномаси бўйича ойлик тўловларни амалга ошириш бўйича мажбуриятни бажаришнинг кечиктирилиши, то ушбу суғурта шартномасининг 3.1(б) бандида белгиланган ҳодиса юз бергунга қадар;

б) қарз олувчи томонидан кредит шартномаси бўйича ойлик тўловни амалга ошириш кетма-кет 3 ойга кечиктирилганда, суғурта қилдирувчи томонидан кредитни "қоникарсиз" деб тан олинishi;

в) қарз олувчи томонидан кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бузилиши ёки бажарилмаслиги муносабати билан суғурта қилдирувчи томонидан кредит шартномасининг муддатидан аввал бекор қилиниши.

Суғурта шартномасининг 3.2-бандига мувофиқ, суғурта шартномасининг 3.1-бандида белгиланган ҳолатлар тасодифан кутилмаган характерга эга эканлиги ва қуйидаги суғурта хатарлари оқибатида юз берганлиги шартлида суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

- қарз олувчининг ўлими;

- қарз олувчи умумий меҳнат қобилиятининг тўлиқ йўқотилиши (1-гурӯх ногиронлиги);

- қарз олувчининг ўз ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишни йўқотиши (даромадини), шу жумладан, ишлаб турган корхонасининг ликвидация қилиниши ёки банкротлиги, ходимлар сонининг қисқариши, корхона таъсисчилари ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши, маҳнат шартномаси тарафлари иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши.

Ушбу ҳолатда суғурта шартномасининг 3.2-бандида белгиланган шартларга мувофиқ шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган суғурта ҳодисаси рўй бермаган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси суди Олий хўжалик суди Пленумининг "Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 45-сонли қарори 22-бандидаги тушунтиришларга, суғурта шартномасининг 3.1-банди "б" ва "в"-кичик бандларига,

шартноманинг 8.3.1-бандига асосланиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри тўхтама келган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати "И." АЖнинг кассация шикоятини қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва Палатанинг банк манфаатини кўзлаб, жавобгардан 4 466 000 сўм суғурта товонини ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**2. Божхона ишида божхона органи божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олган куни амалда бўлган қонунчилик қўлланилади.**

**Божхона тўғрисидаги қонунчилик орқага қайтиш кучига эга эмас ва агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.**

Давлат божхона кўмитаси ҳудудий бошқармасининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) "П." МЧЖдан (бундан кейин матнда жавобгар деб юритилади) 2 дона "MAN" русумли автотранспорт воситалари бўйича қўшимча ҳисобланган 804 947 796,33 сўм божхона тўловларини давлат бюджетига ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Аниқланишича, жавобгар томонидан Польша

давлатидан техник паспортида (ПТС) VIN рақами WMA06XZZ8HM726642, ишлаб чиқарилган санаси 2017 йил 12 апрель деб кўрсатилган ҳамда (ПТС) VIN рақами WMA06XZZ0HM726036, ишлаб чиқарилган санаси 2017 йил 19 апрель деб кўрсатилган "MAN" русумли автотранспорт воситалари ҳудудий божхона бошқармасининг ТИФ божхона пости орқали олиб кирилган ва божхона юк декларацияси билан "Эркин муомалага чиқариш" (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштирилган.

Ҳудудий божхона бошқармаси томонидан ўтказилган товарлар чиқариб юборилганидан кейинги

божхона назорати натижасида божхона расмийлаштируви вақтида жавобгарга тегишли бўлган "MAN" русумли автотранспорт воситаларининг ишлаб чиқарилган санаси 4 йилдан ошганлиги аниқланган.

Шунингдек, "Uz Truck And Bus Motors" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасининг 2021 йил 7 июлдаги 05/2/1-728-сонли маълумотномасида "MAN" русумли автотранспорт воситаларининг ишлаб чиқарилган санаси 2016 йил 7 октябрь эканлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги "Ўзавтотранстехника илмий ишлаб чиқариш маркази" давлат унитар корхонасининг 2021 йил 13

сентябрдаги 261-сонли хатида жавобгарга тегишли бўлган "MAN" русумли автотранспорт воситалари тохограф ускунасидан чоп этилган маълумотлар таҳлилига кўра, Германиянинг "MAN Truck & Bus" корхонасида 2016 йил 30 сентябрда ростлаш (калибровка) ўтказилганлиги маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сонли қарорида белгиланган божхона имтиёзлари нотўғри қўлланилганлиги сабабли, даъвогар томонидан жавобгарга 804 947 796,33 сўм божхона тўловларини ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисида талабнома юборилган. Бироқ жавобгар томонидан талабнома оқибатсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабларини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4230-сонли қарори 9-банди иккинчи хатбошисидан ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8701 20, 8704 21 (рефрижераторлар), 8704 22, 8704 23 (самосваллардан ташқари), 8716 31, 8716 39) ва авиация ёқилғиси божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилиниши белгиланган.

Божхона кодексининг 3-

моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, божхона ишида божхона органи божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиб олган кун амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Божхона тўғрисидаги қонунчилик орқага қайтиш кучига эга эмас ва агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига кўра, божхона тўловларини бекор қилиш, божхона тўловлари ставкаларини камайтириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг мажбуриятларини бекор қилиш ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи божхона тўғрисидаги қонунчилик орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин, агар бу божхона тўғрисидаги қонунчиликда тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Мазкур ҳолатда жавобгарга тегишли автотранспорт воситалари 2021 йил 11 январда БЮДлар асосида расмийлаштирув вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4230-сонли қарори амалда бўлганлиги, унга асосан жавобгар олиб кирган юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошганлиги ишдаги ҳужжат-

лар билан ўз тасдиғини топганлиги учун имтиёзга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Автомобиль транспортида юк ташувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 19 августдаги 5225-сонли қарорига кўра, автомобиль транспортида юк ташувчи тадбиркорлик субъектларининг автотранспорт воситалари паркинни янада янгилаш ва модернизация қилиш, маҳаллий юк ташувчилар учун қулай рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, автомобилда халқаро ташувлар соҳасини ривожлантиришнинг ижобий тенденциясини сақлаб қолиш мақсадида юк ташиш учун мўлжалланган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган, рўйхатда кўрсатилган транспорт воситаларини 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида импорт қилишда уларга божхона божининг, утилизация йиғимининг ва автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун автотранспорт йиғимларининг ноль ставкалари қўлланилади.

Мазкур қарор орқага қайтиш кучига эга эмас. Шу сабабли судларнинг ушбу қарорга асосан имтиёз қўллаш ҳақидаги хулосаси нотўғри. Қолаверса, ушбу қарорда белгиланган нормалар орқага қайтиш кучига эга бўлиши тўғридан-тўғри назарда тутилмаган.

Божхона кодексининг 3-моддаси учинчи қисмига

асосан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга. Мазкур норма божхона тўловлари бўйича имтиёзлар белгилаш масалаларига эмас, балки божхона тўғрисида-

ги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик масалаларига тегишлидир.

Биринчи инстанция суди қайд этилган ҳолатларни инобатга олмасдан, даъвони қаноатлантиришни рад қилиш, апелляция инстанцияси суди эса, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг кассация шикоятини қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2022 йил 5 сентябрь

№ РС-44-22

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан маърузани тинглаб, қўйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармонида ишларни кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш вазифаси белгиланган бўлиб, бу суд органлари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Статистик таҳлилларга кўра, 2022 йилнинг иккинчи чорагида Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 778 та шикоят ва протестлар ўрганиб чиқилган, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 383 тани ташкил этган.

Шикоятларни ўрганиш натижаси бўйича уларнинг 43 тасини қабул қилиш рад этилган, 41 таси қайтарилган, 152 таси бўйича муаллифларга тушунтириш

берилган, 6 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 1 таси юзасидан суд қарорларига нисбатан кассация протести киритилган ҳамда 140 таси Олий суд раисининг биринчи ўринбосари томонидан рад қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан ушбу даврда биринчи ва апелляция инстанцияси сифатида ишлар кўрилмаган.

Ушбу даврда кассация шикоятлари (протестлари) асосига 382 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 306 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 66 та иш бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 1 та иш бўйича кассация шикояти кўрмасдан қолдирилган, 7 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисидаги протестлар бўйича 11 та иш кўриб чиқилган.

Таҳлиллардан кўринишича, суд қарорларининг бекор қилинишига моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, иш ҳолатларига нотўғри баҳо берилганлиги, айрим ҳолларда эса, низога нисбатан моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиши асос бўлмоқда.

Кассация инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорида судлар

томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар таҳлил қилинганлиги, ундаги таҳлиллار судьялар томонидан ўрганилиши ва ундан амалиётда тўғри фойдаланилиши келгусида суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, суд амалиёти

обзорини жойларда судьялар иштирокида ўрганиш ва ундан амалиётда фойдаланишга кенгроқ эътибор қаратиш лозим.

Юқоридагиларга кўра ҳамда "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган тахририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали тахририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий су-

ди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (У.Холов) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

ушбу суд амалиёти обзорини китобча шаклида чоп этиб, вилоятлар, туманлараро маъмурий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини ҳамда суд амалиёти обзорини ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар кўрилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йилнинг сентябрь ойида**

видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил маълумотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йилнинг 1 октябрига қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судларига, туманлараро маъмурий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилган камчиликларни бар-тараф этиш бўйича чораларни кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси Р.Махмудова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

**Б. ИСЛАМОВ**

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Статистик таҳлиллардан кўринишича, 2022 йил иккинчи чорагида Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация шикоятлари (протес-

тлари) асосида 382 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 306 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 2 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 66 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 1 таси бўйича кассация шикояти кўрмасдан қолдирилган, 7 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисидаги протестлар бўйича 11 та иш кўриб чиқилган.

Таҳлил натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан аксарият ҳолларда ишлар тўғри ҳал этилган бўлса-да, баъзи ҳолатларда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилгани аниқланган бўлиб, буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин.

## **1. Судга тааллуқлиликка оид процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги суд қарорларини бекор қилиб, аризани иш юритишдан тугатишга асос бўлади.**

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 5 апрелдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 23 февралдаги ҳал қилув қарори билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг МЧЖ манфатини кўзлаб, вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 28 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Аниқланишича, жавобгарнинг 2021 йил 28 декабрда-

ги қарори МЧЖда ўтказилган сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича чиқарилган бўлиб, жамиятга нисбатан ушбу текширишда аниқланган камомад учун Солиқ кодексининг 223-моддасига асосан 20 фоиз миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Солиқ кодексининг 231-моддаси тўртинчи қисмига кўра, солиқ органининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилишга фақат юқори турувчи солиқ орга-

нига шикоят қилинганидан кейингина йўл қўйилади.

Аниқланишича, аризачи ушбу қонун талабига риоя этган ҳолда юқори турувчи солиқ органига шикоят қилмаган бўлса-да, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг аризаси суд иш юритувига 2022 йил 8 февралда қабул қилинган.

Бироқ судлар аризачи томонидан низони судгача бартараф қилиш чоралари кўрилмаганлиги ва бундай ҳолатда ариза судга тааллуқли бўлмаслигига эътибор қаратмасдан, ариза иш юритишга қабул қилиниб,

мазмунан кўрилган.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2022

йил 31 майдаги қарори билан мазкур иш юзасидан суд қарорлари бекор қилиниб,

ариза бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

**2. Ер участкасини фермер хўжаликларига ажратиш тартибига оид қонунчиликдаги моддий нормалар инобатга олинмаганлиги суд ҳужжатни бекор қилишга асос бўлади.**

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 25 майдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 1 апрелдаги ҳал қилув қарорига биноан аризачи фермер хўжалигининг жавобгар туман ҳокимининг 2020 йил 31 декабрдаги 1229/12-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, туман ҳокимининг 2020 йил 31 декабрдаги 1229/12-сонли қарори билан учинчи шахс МЧЖга "Оқтерак" хўжалиги ҳудудидан 92,37 га ер участкаси 30 йил муддатга ижарага берилган.

Аммо фермер хўжалиги низоли ер участкаси бўйича бир неча марта ёзма равишда прокуратурага, оғза-

ки ва ёзма равишда туман ҳокимлигига мурожаат қилган.

Шунга қарамай низоли ер участкаси танловга қўйилмасдан учинчи шахсга ижарага берилган. Бунинг оқибатида эса, аризачи ушбу ер участкасига талабгор сифатида танловда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Ер кодексининг 24-моддаси ўнинчи қисмига кўра, (низоли қарор чиқарилган пайтда амалда бўлган таҳрири) ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган "Ер участкаларини фермер хўжаликларига

узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг (2021 йил 24 ноябрга қадар амалда бўлган) 2-бандига кўра, ер участкалари фермер хўжаликларига очиқ танлов асосида ижарага берилади.

Бироқ учинчи шахсга низоли ер участкаси юқорида қайд этилган қонунчилик нормаларига риоя этилмасдан очиқ танловсиз ижарага берилган.

Судлар юқорида баён қилинган нормаларга амал қилмасдан шошма-шошарлик билан аризани рад этиш ҳақида асоссиз ҳулосага келган.

Шу сабабли кассация инстанцияси судининг 2022 йил 21 июндаги қарори билан мазкур иш юзасидан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

**3. Ер муносабатларига оид қонунчиликдаги нормаларни нотўғри қўллаш суд ҳужжатини бекор қилинишига олиб келади.**

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 19 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 29 сентябрдаги ҳал қилув қарорига биноан аризачи А.нинг жавобгар туман ҳокимининг 2021 йил 24 майдаги 407-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатланти-

рилган.

Иш ҳужжатларига кўра, туман ҳокимининг 2015 йил 13 майдаги 628-Қ-сонли қарори билан аризачига Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, Толзор кўчасидан "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси" биносини қуриш учун 1.500 кв.метр ер участкаси ажратилган.

Туман ҳокимининг 2021

йил 24 майдаги 407-Қ-сонли қарори билан учинчи шахс фуқаро Б.га Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, Толзор кўчасидан уй-жой қуриш учун 600 кв.метр ер участкаси ажратилган. Мазкур қарорни қабул қилишга асос сифатида учинчи шахс Б.нинг Ибн Сино номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, "Мерос" кўчаси, 2-уйда жойлашган ту-

рар жойи бузилганлиги кўрсатилган.

Бироқ туман ҳокимининг 2015 йил 13 майдаги 628-Қ-сонли қарори билан аризага 1.500 кв.метр ер участкаси ажратилган бўлса-да, мазкур қарор давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги сабабли ер участкасига нисбатан ҳуқуқ вужудга келмаган.

Ер кодексининг 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер

майдонига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Биринчи инстанция суди низоли қарор аризагининг ҳуқуқини бузган деб ҳисоблаш учун асослар аниқланмаганлигига эътибор қаратмасдан, моддий ҳуқуқ

нормаларини нотўғри қўллаган ҳолда аризани қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан эса, ушбу хатолик тузатилмаган ва суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бу эса, кассация инстанцияси судининг 2022 йил 24 июндаги қарори билан суд қарорларини бекор қилиб, аризани рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилишга асос бўлган.

#### **4. Вакилнинг ваколатларига аниқлик киритилмаслиги суд томонидан нотўғри хулосага келишга, оқибатда суд қарори бекор қилинишига асос бўлади.**

Аризачи фермер хўжалигининг жавобгар туман ҳокимининг 2019 йил 1 мартдаги 1017-сонли ва 2019 йил 6 мартдаги 1339-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаси туман маъмурий судининг 2020 йил 5 октябрдаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад этилган.

Мазкур суд қарорига нисбатан апелляция шикоят (протест) келтирилмаган.

Туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 21 декабрдаги ажрими билан ариза вакили А.нинг суд қарорини янги очилган ҳолатларга кўра, қайта кўриш ҳақидаги аризаси рад этилган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 10 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими бекор қилиниб, суд қарорини янги очилган

ҳолатларга кўра, қайта кўриш ҳақидаги ариза кўрмасдан қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, 2021 йил 4 октябрь куни фермер хўжалиги раҳбари Б. фуқаро А.га 2022 йил 3 октябргача бўлган муддатга фермер хўжалиги номидан иш юритишга ваколат берган.

Фермер хўжалиги раҳбари Б. 2021 йил 2 ноябрда вафот этган.

Апелляция инстанцияси суди фермер хўжалиги раҳбари сифатида ишончнома берган Б. вафот этганлиги ҳамда фермер хўжалиги тугатилганлиги сабабли А.ни фермер хўжалиги номидан аризани имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган деб ҳисоблаб, биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилган ва аризани кўрмасдан қолдирган.

Фуқаролик кодексининг 141-моддаси биринчи қисми 4-бандига кўра, ишонч-

номанинг амал қилиши номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши билан бекор бўлади.

Бундай ҳолатда аризани Фуқаролик кодексининг 141-моддаси биринчи қисми 6-бандига кўра, кўрмасдан қолдириш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги инobatга олинмаган.

Бироқ ишончнома Б. томонидан фуқаро сифатида эмас, балки юридик шахс бўлган фермер хўжалиги номидан берилганлиги, фермер хўжалигини тугатилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги апелляция инстанцияси суди томонидан инobatга олинмаган. Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 10 майдаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун яна шу инстанцияга юборилган.

**5. Аризани судга тааллуқли эмаслиги сабабли қабул қилишдан рад этишда қонун талаблари инобатга олинмаганлиги ажрим бекор қилинишига сабаб бўлади.**

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 14 февралдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 23 декабрдаги ажримига кўра, аризачи МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига нисбатан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатини қонунга ҳилоф деб топиш ва мажбурият юк-лаш ҳақидаги аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ижро аппарати раҳбарининг 2021 йил 25 октябрдаги 26-23/1215-сонли хати билан жамият директори А.нинг 2021 йил 18 октябрдаги 18/10-21-сонли мурожаати "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўрисида"ги қонуннинг 25-моддасига асосан те-

гишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун "Б." АТБ бош-қарувига юборилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси биринчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, вазифалари, фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белги-ланади.

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк фаолияти соҳасини тартибга солувчи ва лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда пруденциал назорат бўйича ваколатларни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган қонун нормаларига амал қилмасдан аризачининг талаби маъмурий судга тааллуқли эмас, деб ҳисоблаб, аризани иш юритишга қабул қилишни рад қилган, апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция судининг хулосаси билан келишган.

Кассация инстанцияси суди юқоридаги қонун талабларига мувофиқ Марказий банк давлат органи ҳисобланиши ва унинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар маъмурий судга тааллуқлилигини инобатга олиб, 2022 йил 18 майдаги қарори билан ушбу суд қарорларини бекор қилиб, МЧЖнинг аризасини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборган.

**6. Апелляция инстанцияси суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга нотўғри баҳо бериб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри талқин қилган ҳолда мазмунан тўғри бўлган биринчи инстанция ҳал қилув қарорини асоссиз равишда бекор қилиши апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилишга асос бўлади.**

Маъмурий суднинг 2021 йил 29 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачи МЧЖнинг туман ҳокимининг 2019 йил 26 мартдаги 2145-сонли, 2019 йил 30 декабрдаги 14339-14347-сонли ва 2020 йил 17 апрелдаги 335-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 27 январдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, туман ҳокимининг 2018 йил 14 мартдаги 733-сонли қарори билан Бобур номидаги маҳалла фуқаролар

йиғини, Бобур кўчасида жойлашган МЧЖга атрофидаги 4.530 кв.метр ер участкасини ободонлаштириш ва қурилиш қилмаслик шарти билан бириктириб берилган ҳамда ушбу қарор 2018 йил 26 мартда 68/2-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Шунингдек, туман ҳокимининг 2019 йил 26 мартдаги 2145-сонли қарори

билан Бобур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, Бобур кўчаси худудидан учинчи шахслар Б.га 200 кв.метр, 2019 йил 30 мартдаги 14339-сонли қарори билан В.га 50 кв.метр, 14340-сонли қарори билан Г.га 50 кв.метр, 14341-сонли қарори билан Д.га 50 кв.метр, 14342-сонли қарори билан Е.га 50 кв.метр, 14343-сонли қарори билан Ж.га 100 кв.метр, 14344-сонли қарори билан И.га 150 кв.метр, 14345-сонли қарори билан К.га 50 кв.метр, 14346-сонли қарори билан Л.га 50 кв.метр, 14347-сонли қарори билан М.га 50 кв.метр ер майдонлари савдо дўкони қуриш учун ажратилган, Д. ва К.дан ташқари барча учинчи шахсларнинг қарорлари тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Туман ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги 335-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2018 йил 14

мартдаги 733-сонли қарори бекор қилинган. Чунки МЧЖ томонидан низоли ер участкасида ободонлаштириш борасида бирон-бир иш амалга оширилмаган, унда фуқаролар томонидан 2019 йилда қурилиш ва тупроқ тўлдириш ишлари амалга оширилган. Ариза-чи томонидан қурилиш ишларига тўсқинлик қилинмаган ва эътироз билдирилмаган.

Апелляция инстанцияси суди ариза-чининг судга ариза бериш муддатини муҳокама қилиб, Фуқаролик кодексининг 164-моддасида кўрсатилган мулк ҳуқуқи муддатсизлиги ҳақидаги талаб, 2020 йилнинг март ойидан "Covid-19" пандемияси бошланганлиги, ариза-чининг вакили А.нинг тушунтиришига асосланган ҳолда ариза-чининг ўтказиб юборилган муддатини тиклаган.

Бироқ ариза-чи биринчи инстанция судида ариза беришнинг ўтказиб юборил-

ган муддатни узрли деб топиш ҳақида илтимоснома бермаган, фақат апелляция инстанцияси судига илтимоснома билан мурожаат қилиб, ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тан олиб, ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топишни сўраган. Аммо ушбу илтимосномада ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топишга бирон-бир асос келтирмаган ва муддатни тиклашга асос бўладиган бирон-бир далил тақдим қилмаган.

Апелляция инстанцияси суди эса, ўтказиб юборилган муддатни нотўғри тиклаб, биринчи инстанция судининг қонуний ва асосли ҳал қилув қарорини бекор қилган.

Шу сабабли кассация инстанциясининг 2022 йил 21 июндаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

**7. Иш юритишни МСИЮтКнинг 108-моддаси 2-бандига асосан тугатишда суднинг айтиши бир шахслар ўртасидаги, айтиши бир предмет тўғрисидаги ва айтиши бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжудлигини аниқлаш суд ҳужжатини бекор қилишга асос бўлади.**

Ариза-чи А. судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар туман ҳокимининг 2002 йил 16 январдаги 65-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 27 майдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 15 мартдаги ажрими-

га кўра, ариза МСИЮтКнинг 108-моддаси 2-бандига асосан иш юритишдан тугатилган.

Биринчи инстанция суди ўз қарорини А. 2016 йилда даъвогар Б.нинг жавобгар туман "Ермулккадастр" хизмати давлат корхонаси ва бошқаларга нисбатан туман ҳокимининг 2002 йил 16 январдаги 65-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги фуқа-

ролик ишида қатнашганлиги билан асослаган.

Бироқ суд томонидан А.нинг акаси даъвогар бўлган мазкур фуқаролик ишида фақатгина учинчи шахс сифатида иштирок этиб, ўз ҳуқуқини тиклашга қаратилган бирон-бир мустақил талаб келтирмаганлиги инobatга олинмаган ва айтиши бир шахслар ўртасида, айтиши бир предмет тўғрисида ва айтиши бир

асослар бўйича низо кўрилган деб ҳисоблаб, иш юритишни тугатиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шу сабабларга кўра, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 10 июндаги қаро-

ри билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

**8. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни беришга ҳақли.**

Аризачи А. судга мурожаат қилиб, жавобгар шаҳар ҳокимининг 2019 йил 15 апрелдаги 346-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 22 февралдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилди, шаҳар ҳокимининг 2019 йил 15 апрелдаги 346-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Суд томонидан ишни кўришда Б. ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинмаган.

Вилоят маъмурий судининг 2021 йил 27 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарорига нисбатан ишга жалб қилинмаган шахс — Б. томонидан келтирилган апелляция шикоятида шаҳар

ҳокимининг 2019 йил 15 апрелдаги 346-сонли қарорининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилмаслиги, ушбу қарор билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган В. билан унинг қонуний никоҳда эканлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаганлиги кўрсатилган.

Бироқ учинчи шахслар В. ва Б. 2018 йил 14 августдан қонуний никоҳда бўлиб, биргаликдаги турмушларидан бир нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги суд томонидан аниқланмаган.

Шунингдек, суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган вақтда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг даъвогар Б.нинг жавобгар В.га нисбатан ушбу уйни умумий мулк деб

топиш, улушни белгилаш ва натура шаклида бўлиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш ҳақида 2020 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарори қонуний кучда бўлганлиги ҳам аниқланмаган (ушбу ҳал қилув қарори вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 ноябрдаги ажрими билан бекор қилиниб, даъвои рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган).

Шу сабабларга кўра, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 28 июндаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, апелляция шикоятини апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

**9. Ишни кўриш давомида барча учинчи шахслар доирасини аниқламаслик ва уларни тегишли тартибда жалб қилмаслик ҳар қандай ҳолатда суд ҳужжатини бекор қилишга асос бўлади.**

Аризачи А. судга мурожаат қилиб, жавобгар туман ҳокимининг 2020 йил 29 декабрдаги 1532-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 майдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 2 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, ари-

за қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди томонидан Б., В. МЧЖ, Г. ФХ ва Д. МЧЖ ишга манфаатдор шахс сифатида жалб қилинмаганига ва аризачига ажратилган ер билан фуқаро Б.га ижарага топширилган тутзорлар, шунингдек, Г. ФХ.га ажратилган ерларнинг ўзаро жойлашувига, бу тутзорлар В. МЧЖга ажратилган-ажратилмаганлигига аниқлик

киритилмаганига эътибор қаратилмай, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишини бартараф этмаган.

Шу сабабларга кўра, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 16 июндаги қарори билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.